

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ
ИНСТИТУТИ

“Электротехника ва ишлаб чиқаришда
ахборот-коммуникация технологиялари”
факультети

“Менежмент” кафедраси

Ҳимояга рухсат қилинади

Кафедра мудири:  доц.Рўзиева Д.И.

«20» 06 2017 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини
оширишда инвестицион лойиҳаларнинг роли
("Deluxe Fabric" МЧЖ мисолида)

Бажарди:



12-13 МНДТ гуруҳ талабаси
Намозов Ш.Ш.

Рахбар:



доц.Хасанова Г.Дж.

Бухоро-2017 й

Кириш

I Боб. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда инвестицияон лойиҳалар ролининг илмий-назарий асослари

- 1.1. “Инвестиция” ва инвестицион лойиҳалар” тўғрисида умумий тушунча
- 1.2. Инвестицион лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг моҳияти ва аҳамияти
- 1.3. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усуллари

II Боб. “Delux Fabric” МЧЖнинг ривожланиш тарихи ва хўжалик фаолияти таҳлили

- 2.1. “Delux Fabric” МЧЖнинг ривожланиш тарихи ва асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили
- 2.2. Товар ва сотилган маҳсулот таҳлили
- 2.3. Асосий фондларнинг тузилиши ва техник ҳолати таҳлили
- 2.4. Корхонага инвестицияларни жалб қилиш, уларнинг молиялаштириш манбаи таҳлили
- 2.5. “Delux Fabric” МЧЖ нинг SWOT таҳлили ва корхонага жалб қилинган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўллари

III Боб. “Delux Fabric” МЧЖ га инвестицияларни жалб қилишни оширишнинг асосий йўллари

- 3.1. Саноат корхоналарининг инвестиция фаолиятини кучайтириш
- 3.2. “Delux Fabric” МЧЖ га инвестицияларни жалб қилишни оширишнинг асосий йўллари бўйича таклифлар

IV Боб. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

- 4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тўғрисида умумий тушунчалар
- 4.2. Ишлаб чиқариш микроклимининг гигиеник нормалари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Инвестициялар ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг инвестицияларга оид қуйидаги фикрларини келтириш кифоя қилади: “Барчамиз бир оддий ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор - инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди”¹. “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тараққиёти учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми 190 миллиард доллардан ошди ва бу маблағнинг 65 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестициялар ташкил этди. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш доирасида кенг қўламли замонавий, юқори технологияларга асосланган лойиҳалар амалга оширилди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, Дехқонобод калийли ўғитлар заводи, ўнлаб замонавий тўқимачилик комплекслари, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлайдиган юзлаб корхоналар, энг илғор буғ-газ ва газ турбинали технологияларни жорий этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватлари модернизация қилингани ана шундай йирик лойиҳалар қаторига киради. Бугун қурилаётган замонавий корхоналар қаторида Сурғил кони базасида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган Устюрт газ-кимё мажмуасининг барпо этилаётгани хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир”².

Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида 2016 йилда ўнлаб замонавий корхоналар ишга

¹Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. - Б. 57.

² И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2015 йил.

туширилди. Жумладан, 2016 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилдагига нисбатан 9,6 фоиз кўп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоиз ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестициявий лойиҳасини амалга ошириш якунланди. Шу жумладан, “ЖМ Ўзбекистон” акциядорлик жамиятида “Т-250” моделдаги енгил автомобилларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, Жиззах вилоятида цемент заводи кенгайтирилди, Толимаржон иссиқлик энергия станциясида қуввати 900 МВт бўлган буғ-газ қурилмалари ҳамда Ангрен иссиқлик энергия станциясида қуввати 150 МВт бўлган юқори қулли кўмирни ёқувчи энергия блоки ишга туширилди.

Фарғона водийси вилоятларини мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган, Қамчиқ тоғли довони орқали ўтувчи 19 километрлик ноёб туннелга эга бўлган электрлаштирилган янги Ангрен-Поп темир йўл линияси қурилди. Тошкент-Бухоро маршрути ва қарама-қарши йўналиш бўйича юқори тезланишли “Афросиёб” йўловчи ташувчи электропоездлар ҳаракати ташкил этилди.

Шулар билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг III. “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”даги 3.1. бандида: ... истиқболли инвестицион лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш; ...халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, шу жумладан етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш йўли билан, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишини давом этиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш; 3.2. бандида: ...ишлаб чиқаришни

модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмадаги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган актив инвестиция сиёсатини олиб бориш; 3.3. бандида: ... қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек қадоклаш буюмларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланган, қайта ишловчи янги корхоналарни қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш юзасидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

3.6. бандида: ...хорижий инвестициялар, жаҳон брендларини фаол жалб қилиш, туризм соҳасида бизнес юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш³ каби вазифаларнинг қўйилганлиги мамлакатимизда инвестицион жараёнларни ривожлантириш, иқтисодиётни юксалтиришга қаратилган энг долзарб ишлардан биридир.

Аmmo, бугунги кунда юқорида қайд этилган ютуқлар билан биргаликда, саноат корхоналарида, айниқса, халқ учун зарур бўлган тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларида модернизациялаштириш ишларининг суствлигини, ушбу соҳани ривожлантириш бўйича инвестицион лойиҳаларнинг родини ошириш зарурлиги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ана шундай муҳим вазифани бажариш Бухоро шаҳридаги “Delux Fabric” МЧЖга ҳам тегишлидир.

Битирув малакавий иши олдига қўйилган асосий мақсад – корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда инвестицион лойиҳаларнинг роли оширишнинг назарий, методологик асосларини, мавжуд тизимларни тадқиқот қилиш асосида “Delux Fabric” МЧЖ да инвестицион лойиҳаларнинг родини ошириш ва уларни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тадбирлар ишлаб чиқиш.

Ушбу мақсадга эришиш мақсадида битирув малакавий иши олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й, 6-сон.

- “Инвестиция” ва “инвестицион лойиҳалар” тўғрисида умумий тушунчага эга бўлиш;

- Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолашнинг моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш;

- Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усуллари ўрганиш;

- “Delux Fabric” МЧЖнинг иқтисодий, ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини таҳлил қилиш;

- “Delux Fabric” МЧЖда инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усуллари ва уларни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тадбирлар ишлаб чиқиш.

- Экология, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича берилган топшириқларни бажариш;

Битирув малакавий иш кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

1.1. “Инвестиция” ва инвестицион лойиҳалар” тўғрисида умумий тушунча

Мамлакатимизда инвестиция талаб қилувчи соҳа ва фаолиятларга маблағлар жалб қилиш мақсадида зарурий шарт-шароитлар ҳамда ҳуқуқий асослар мустақиллик йилларида яратилди ва қатор ижобий натижаларга эришилди. Инвестиция соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқий асос 1998 йилда «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиниши орқали мустаҳкамланди. Чет давлатлардан зарурий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорларида, Вазирлар Маҳкамаси Қарорларида ўз амалий ифодасини топган жуда кўплаб ҳуқуқий ва иқтисодий, жумладан, солиқ имтиёзлари яратилди ва бу ҳаракатлар натижаси ўлароқ сўнгги йилларда республикаимиз иқтисодиётига киритилаётган инвестицияларнинг миқдорини ўсиб бориш тенденцияси қайд этилди.

“Инвестициялар” атамаси латин тилидаги “invest” сўзидан келиб чиқиб, “қўйиш”, “мблағни сафарбар этиш” деган маъносини беради. “Инвестиция” тушунчаси бир қатор маъноларга эга бўлиб, бу қисқача қўйилма деган маънони билдиради. Ёки буни фойда олиш мақсадида акция, облигация сотиб олиш, товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган реал активларни сотиб олиш ва ишлаб чиқариш ҳамда интеллектуал ва бошқа (ер, таъбий бойлик ва бошқа) моддий бойликлар учун сарфланиши тушунилади, яъни инвестициялар ҳар қандай восита бўлиб, пулнинг қийматини саклайди, унинг қийматини кўпайтиради ва ижобий даромадлар олишни таъминлайди. Демак, инвестиция сўзи кенгрок маънони англатиб, бунга қўшимча равишда ўзлаштирмақ (бошқармоқ) деган маънони ҳам берар экан.

Инвестициянинг иқтисодий моҳияти – бу асосий ва айланма капитални корхонани ташкил этиш, реконструкция ёки техник қайта қуроллантиришга сарфлаш; молиявий инвестиция бўйича – инвесторни молиявий капиталини ошириш мақсадида унинг инструментларидан фойдаланиб, маблағларни акция, облигация, банк депозитларига ва бошқа қимматли қоғозларга қўйишдир.

Инвестициялар нисбатан янги тоифа бўлиб, улар мамлакатимизга Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан кейин кириб келди. Иқтисодийни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими амалда бўлган шароитда “капитал қўйилмалар” тушунчаси ишлатилган ва бунда асосий фондларни вужудга келтириш учун қилинадиган ҳаражатларнинг барча турлари тушунилган. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон Республикаси ўз иқтисодий ва инвестиция сиёсатини юрита бошлади. Шу муносабат билан, тегишли ҳуқуқий база яратилди. Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарали олиб борилиши кўп жиҳатдан хорижий ва ички инвестицияларга боғлиқдир.

Самара ёки даромад келтирадиган мулкӣ ва интеллектуал бойликлар, яъни инвестициялар қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- ✓ пул маблағлари, банклардаги мақсадли жамғармалар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар;
- ✓ ҳаракатдаги ва ҳаракатда бўлмаган мулклар (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, ҳамда бошқа моддий бойликлар);
- ✓ муаллифлик ҳуқуқи, ноу-хаулардан ташкил топган мулкдорлик ҳуқуқлари ва бошқа интеллектуал бойликлар;
- ✓ ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари ҳамда мулкчилик ҳуқуқлари;
- ✓ бошқа бойликлар.

Инвестиция фаолиятини ташкил этишда ҳар бир мулк эгаси ишбилармонликни, тадбиркорликни моҳиятини чуқур англаган ҳолда иш юритиши лозим. Инвестиция фаолияти билан шуғулланувчи мулк эгаси тез ўзгарувчан бозор иқтисодиёти ва унинг кўпқиррали муносабатларини ҳар томонлама англай билиши лозим. Инвестиция фаолиятини юритишда иқтисодий ахборотга таянган соҳа бир бутун иқтисодиёт ва мамлакат миқёсида маркетинг билиларига эга бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Чунки барқарорлашмаган иқтисодиётда инвестор пул муомаласи, молия кредит ва банклар, солиқ сиёсати моҳиятини чуқур билмай туриб, инвестиция

фаолиятини ташкил этиш таваккалчилик билан боғлиқ бўлиб, қисқа давр ичидаги инқирозга учраши мумкин. Бозор муносабатлари ривожланган етук жамиятда инвестиция фаолияти қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- ✓ фуқаролар, давлатга қарашли бўлмаган корхоналар, хўжалик ассоциациялари, жамоа ва ўртоқлик хўжаликлари ҳамда жамоа мулкчилиги асосида ташкил этилган ташкилотлар, нодавлат корхоналари ва муассасалари томонидан;

- ✓ давлатни маъмурий ва бошқарув бўлинмалари, ташкилотлари ҳамда давлат корхоналари ва муассасалари томонидан;

- ✓ чет эл фуқаролари, хусусий фирмалар, ассоциациялар, компаниялар ва ҳуқуқий шахслари ҳамда бошқа хорижий давлатлар ва ҳалқаро молия – кредит муассасалари томонидан;

- ✓ қўшма корхона кўринишида маҳаллий ва чет эл фуқаролари, ҳуқуқий шахслар ва давлатлар билан ҳамкорликда.

Инвестиция сиёсати – бу иқтисодийнинг устивор тармоқларини ривожлантириш, қўллаб – қувватлаш, марказлашган инвестициялаш жараёнидан номарказлашган инвестиция жараёнига ўтиш, устивор инвестицион лойиҳаларни қўллаб қувватлашга қаратилган механизм, услублар йиғиндиси ҳисобланади. Давлат инвестиция сиёсатини амалга оширишда кўпроқ устиворлик кичик бизнес субъектлари, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар тузишга қаратилган. Давлат инвестиция сиёсати мавжуд камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва шу асосда инвестиция иштирокчиларининг эркин ҳаракат қила олишлари учун қулай иқтисодий, инвестицион муҳит яратишга қаратилган.

Инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари деб қуйидагилар ҳисобланади:

- ✓ инвестициялар, улар ҳаракатланиши, инвестиция фаолияти иштирокчилари муносабатлари, уларни тартибга солиб туриш бўйича қулай ҳуқуқий базани яратиш, амалдаги қонунчилик – ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

- ✓ иқтисодий туб ислоҳотларни амалга ошириш, мақсадли инвестицион сиёсатни юргизиш;
- ✓ инвестицион жараёни яхшилаш ва барча инвестицион жараён иштирокчиларининг фаоллигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш;
- ✓ давлат бошқарув органлари, ҳукумат ташкилотларининг назорат этиш функцияларини янада такомиллаштириш.


Инвестицияларни жалб этиш ва сарфлаш соҳаларига асосланиб инвестиция фаолияти объектларини туркумини тузиш мумкин. Инвестиция фаолияти объектлари туркуми инвестицияларни сарфланиш соҳаларига биноан қуйидаги 1- чизмада кўрсатилган.



Инвестиция фаолиятидаги субъектлар инвесторлар бўлиб, маҳаллий ва чет эллик фуқаролар, ҳуқуқий шахслар ёки давлат ҳисобланади. Инвестицияларни амалга оширишни эса, қабул қилинган буюртмаларни

базарувчиси сифатида, инвесторни топшириғи асосида инвестиция фаолиятини иштирокчилари таъминлайдилар.

Инвестицияни ўз белгиларигаққараб қуйидаги шакллари мавжуд (2-чизма):



2-чизма. Инвестицияларнинг объектига кўра шакллари.

Хақиқий (капитални ташкил этувчи) инвестиция (буларни айрим ҳолларда моддий ёки ишлаб чиқариш дейилади) бўлиб, буларга:

- а) асосий фондларга қўйилган маблағ;
- б) товар моддий қийматликларга қўйилган инвестициялар киради.

Хақиқий инвестициялар деганда ҳақиқий активларга қўйилган маблағ тушунилиб, улар моддий ва номоддий кўринишда бўлади (айрим ҳолларда номоддий активларга қўйилган маблағ илмий техник ривожланишга асосланган бўлса, у ҳолда бу инновацион инвестиция ҳам дейилади). Хақиқий инвестициялар капитал қўйилма шаклида амалга ошади.

Хақиқий лойиҳаларга қўйилган инвестициялар - вақтлар бўйича узок муддатли жараёнدير. Шу сабабли баҳолаш жараёнда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- ✓ лойиҳанинг рисклилигига - харажатларни қоплаш муддати қанча узок бўлса унинг инвестицион рисклилиги шунча юқори бўлади;
- ✓ пулнинг вақтинчалик қиймати вақт ўтиши билан инфляция натижасида унинг қадр-қийматини йўқотиши;

✓ лойиҳанинг жозибадорлиги бошқа вариантларга нисбатан қўйилган капитални даромадлилиқ даражасини компания акцияси курс қийматини рисклилиқ даражаси камроқ бўлган шароитда имконият даражада ошириш, инвестор учун бу мақсадни аниқлаш имкониятини мавжудлиги.

Молиявий инвестиция - қимматли қоғозларга қўйилган маблағ бўйича кўпроқ улуш қўшганлар учун аҳамиятли бўлиб, турли ҳил молиявий қуроллар (активлар)га қўйилган маблағларга айтилади. Молиявий инвестициялар қуйидагилар киради:

- сбербанкларнинг жамғармалари;
- облигация;
- акция;
- пул маблағлари;
- депозит жамғармалар.

Молиявий инвестициялашда институтларни юқори ривожланиши асосан хақиқий инвестицияларни ҳажмини ортишига олиб боради ва амалий ёрдам беради. Шундай қилиб, бу иккала форма бир-бирини тўлдирувчи ҳисобланади.

Интеллектуал инвестициялар - келгусидаги янги ишлаб чиқариш учун техник-технологик жараёнлар билан боғлиқ номоддий (илмий, ноу-хау, программалар, савдо маркалар ва бошқалар) активларга айтилади. Унинг турлари:

- ✓ илмий янгиликларни ишлаб чиқиш инвестицияси;
- ✓ мутахассисларни тайёрлаш учун қўйилган инвестиция;
- ✓ ижтимоий соҳага қўйилган инвестиция,
- ✓ бошқа янгилик билан боғлиқ инвестиция.

Инвестициялашда иштирок этишга кўра инвестициялар қуйидагиларга бўлинади (3-чизма):



3-чизма. Инвестициялашда иштирок этишга кўра инвестицияларнинг турлари

Бевосита инвестициялар. Объектни инвестициялаш ва маблағни қўйишни танлаш бевосита мазкур инвесторлар томонидан таналаб олинishi орқали амалга оширилса, бундай инвестициялар бевосита дейилади.

Билвосита инвестициялар. Инвестициялашни бошқа шахслар (инвестицион ёки молиявий воситачилар) томонидан амалга оширилса, у ҳолда бу билвосита инвестиция дейилади. Ҳамма инвесторлар ҳам инвестицияни ташкил этиш, самарали инвестицияни танлаш ва келгусида уни бошқаришда етарли ихтисосга эга булавермайди. Бу ҳолатда улар инвестицион ва бошқа молиявий воситачилар чиқарган қимматли қоғозларини сотиб олади, ўзлари томонидан кўриб чиқилган йиғилиш хулосасига асосланиб, келгусида кутилган даромадни мижозлари ўртасида таксимлаш мақсадида инвестицияни кўпроқ самарали бўлган объектини танлаш, уни бошқаришда иштирок этишни ўзини мавқеини ҳисобга олган ҳолда инвестицион маблағларни жойлаштиришдан иборатдир.

Инвестициялаш давридаги қўйилманинг муддатига кўра инвестициялар қуйидагиларга бўлинади (4-чизма):



4-чизма. Инвестициялаш давридаги қўйилманинг муддатига кўра инвестиция турлари

Қисқа муддатли инвестиция- инвестициялаш муддати бир йилгача қўйилаётган маблағларга айтилади.

Узоқ муддатли инвестиция- инвестициялаш муддати бир йилдан юқори муддатга қўйилаётган маблағларга айтилади.

Булардан ташқари, мулкчилик шаклига кўра: инвестициялар қўшма инвестиция, чет эл инвестицияси, хусусий инвестиция ва давлат инвестициясига; ҳудудий белгиларига кўра: чет элга қўйиладиган инвестиция, ички инвестиция ва ҳудудий инвестицияларга; риск даражасига кўра рисксиз инвестиция, кам рискли инвестиция, ўртача рискли инвестицияларга; инвестициялаш шаклига кўра: реал инвестициялаш рисклари ва портфел инвестициялаш рискларини ажратиш мумкин.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш зарур экан, ҳар бир таркибий ўзгариш маълум миқдордаги маблағлар киритишга эҳтиёж сезади, бу ишни муайян инвестиция лойиҳаси орқали рўёбга чиқаришимиз мумкинлиги ҳаммамизга маълум. Транспорт, алоқа, қазилма бойликлар қазиб олиш, хом ашёни қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш каби соҳа ва фаолият йўналишларида йирик инфратузилмавий лойиҳаларни, йирик

саноат лойиҳаларини амалга ошириш юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадга эришишда муҳим масалалардан ҳисобланади.

Маълумки, инвестиция лойиҳалари муайян ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолиятини барпо этиш, кенгайтириш, модернизациялаш учун асос бўлиш орқали жамият ҳаётининг фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

“Инвестиция лойиҳаси” тушунчаси иқтисодий назарияда ва амалиётда кенг қўлланилади ва у икки хил маънода талқин этилади:

✓ муайян мақсадларга эришишни (кўзланган натижаларни ҳосил қилишни) таъминловчи қандайдир фаолиятлар йиғиндисини амалга оширишни назарда тутувчи иш, фаолият, тадбир сифатида тушунилади. Бундай ҳолларда «хўжалик тадбири», «иш (ишлар йиғиндиси)», «лойиҳа» терминлари ушбу тушунчаларга мазмунан яқин келади.

✓ қандайдир фаолиятларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий-бошқарув ва молиявий-ҳисоб ҳужжатлари тизими ёки бундай фаолиятлар тизимини баён этувчи ҳужжатлар тўплами сифатида қаралади.

Иқтисодий адабиётларда “инвестицион лойиҳа” иккинчи мазмундаги тушунча сифатида қўлланилади. “Лойиҳа” термини биринчи мазмун бўйича тушунилади. Умуман олганда, “инвестицион лойиҳа” тушунчаси унинг йўналтирилган мақсадини амалга ошириш учун технологик, техник ва ташкилий ҳужжатлаштириш, объектларни барпо этиш ва ишга тушириш жараёнларини, моддий, молиявий, меҳнат ресурсларининг ҳаракатини, шунингдек, тегишли бошқарув қарорлари ва тадбирларни ўзида мужассамлаштирувчи тизим сифатида қаралиши мумкин. Шунингдек, инвестицион лойиҳа қатор умумий хусусиятларни тавсифловчи турли хил фаолият кўринишларини бирлаштиради ва улардан умумийлари қуйидагилар ҳисобланади: аниқ натижаларга, аниқ мақсадларга эришишга йўналтирилган; кўп турли бир-бири билан алоқадор фаолиятларни бажаришни мувофиқлаштириш; вақт давомида чекланганлиги ва ҳ.к.

“Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда: “инвестиция лойиҳаси

(лойиҳа) - иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида инвестициялар киритган ҳолда олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар комплекси”⁴, сифатида тавсифланган.

Умумий жиҳатдан лойиҳа (ингл. - projekt) - бу “бирон нима, нима ўйланаяпти ёки режалаштирилаяпти”, деган маъноларни англатади⁵.

Тўлиқ шаклланган, якунига етган инвестиция лойиҳасини тузиш ва амалга ошириш умумий ҳолда қуйидаги босқичларни ўз ичига камраб олади: инвестиция ғоясини шакллантириш; инвестицион имкониятларни тадқиқ этиш; инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослаш; шартнома ҳужжатларини тайёрлаш; лойиҳа (ишчи) ҳужжатларини тайёрлаш; қурилиш-монтаж ишлари; объектни ишга тушириш ва инвестиция лойиҳаси (иқтисодий кўрсаткичлар) мониторингини олиб бориш.

Инвестиция лойиҳаси ўз мақсади, йўналиши, амал қилиш соҳаси, муддати ва чегарасига эга бўлган алоҳида фаолият тури ҳисобланади. У ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий, экологик, иқтисодий жиҳатдан тўлиқ ва мукамал ҳисоб-китоблар ёрдамида асосланган юридик ҳужжат ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳасининг бошқа ҳужжат ва “лойиҳа”лардан асосий фарқи шундаки, у ҳақиқий ҳужжат сифатида қарор топиши учун унинг барча томонлари махсус усуллар ёрдамида кенг ва аниқ ҳисоб-китоблар билан баҳоланади. Шу билан бирга унинг амалга оширилиши муайян миқдордаги маблағларни сафарбар этишга асосланади.

Проф. Д.Ғозибеков инвестиция лойиҳалари тўғрисида фикр билдириб: “инвестиция лойиҳасига муайян ишлаб чиқариш қувватларига келажакда алоҳида турдаги самаралар келтириши зарур бўлган, аниқ белгиланган тадбирлар йўли билан ресурсларни инвестициялаш бўйича таклифлар тўплами

⁴Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сонли «Инвестиция лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тартиби ҳақида»ги Қарори, 1-илоvasи.

⁵Мазур И.И., Шапиро В.Д., Ольдерогге Н.Г. Управление проектами: Учеб. пособие для вузов. - М.: ЗАО Издательство «Экономика», 2001. (Современное бизнес-образование). - С. 18.

тарзида таъриф бериш мумкин”⁶, деб таъкидлаб ўтади. Шунингдек, у инвестиция лойиҳасининг сифат-тавсифларини, бошқа тадбирлардан фарқ қилувчи жиҳатларини очиб бериши диққатга сазовордир⁷.

Россиялик иқтисодчи олим Б.А.Колтынюкнинг фикрича: “инвестицион лойиҳа кенг маънода фойда олиш мақсадида капитал қўйиш режаси” тарзида ифодалаб, уни икки хил маънода талқин этади: аниқ мақсадларга эришиш (аниқ натижалар олиш)ни таъминловчи қандайдир ҳаракатлар мажмуини амалга оширишни назарда тутувчи тадбир, фаолият; қандайдир ҳаракатни амалга ошириш учун зарур бўлган аниқ ҳисоб-молиявий ва ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатларни қамраб олувчи тизим⁸.

Умуман олганда, инвестицион лойиҳа инвестицион тадбиркорлик ва ташаббуснинг меваси, натижаси сифатида яратилган инвестицион ҳужжат бўлиб, инвестициялар билан таъминланган ҳар қандай тадбирлар мажмуаси ҳисобланади. Яъни, у чекланган муддат ва вақт мобайнида фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадидаги бир-бири билан боғлиқ, бир-бири билан алоқадорликдаги мураккаб тадбирлар йиғиндисиدير.

Фикримизча, “инвестицион лойиҳа” тушунчаси бир қатор умумий хусусиятларни тавсифловчи турли хил фаолият кўринишларини бирлаштиради ва улардан бирмунча умумийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- аниқ натижаларга, аниқ мақсадларга эришишга йўналтирилган;
- кўп турли бир-бири билан алоқадор фаолиятларни бажаришни мувофиқлаштириш;
- вақт давомида чекланганлиги.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, инвестиция лойиҳасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: чекланган муддат ва вақт мобайнида фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ, бир-

⁶Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия», 2003. – Б. 67-68.


⁷Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: «Молия», 2003. – Б. 68-69.

⁸Колтынюк Б.А. Инвестиционное проектирование объектов социально-культурной сферы: Учебник. - СПб.: «Изд-во Михайлова В.А.», 2000. – С. 13.

бири билан алоқадорликдаги мураккаб тадбирлар йиғиндисига инвестиция лойиҳаси дейилади.

Инвестицион лойиҳа келишилган муддатларда аниқ мақсадларга эришиш ҳамда режалаштирилган натижаларни олиш учун аниқ миқдордаги ресурсларни (интеллектуал, молиявий, моддий) қўйишни, жойлаштиришни кўзда тутувчи тадбирлар мажмуидир. Инвестицион лойиҳанинг молиявий натижалари бўлиб, кўп ҳолларда, фойда (даромад), моддий-мулкӣ натижалари бўлиб - янги ёки таъмирланаётган асосий фондлар ёки даромад олиш учун молиявий воситаларни ёки номоддий активларни ишлатиш ва сотиб олиш ҳисобланади. Инвестицион лойиҳанинг асосий элементлари ва йўналишларини қуйидагича тасвирлаш мумкин, (5-чизма).

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, инвестицион лойиҳани амалга оширишнинг бош мақсади фойда (даромад) олишга ёки ҳеч бўлмаганда капитал қийматини сақлаб қолишга қаратилади.




5-чизма. Инвестицион лойиҳанинг асосий элементлари ва йўналишлари

Инвестицион лойиҳа уч томонлама чекланган бўлиб, муайян иқтисодиётда, ҳудудда, белгиланган вақт билан чекланади. Мазкур ҳудудда белгиланган вақтда лойиҳа амалга оширилса, у ўзининг мақсадига эришиш кучига эгадир.

Ўзга ҳудудда ўзга вақтда у ўзининг мақсадига эриша олмайди. Инвестицион лойиҳалар яна бир томондан чекланиши, яъни унга сафарбар этиладиган ресурслар қиймати (сари хом-ашё, меҳнат ва молиявий ресурслари қиймати) ўзгариб боради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, инвестиция лойиҳасини 6-чизма асосида таснифлаш мумкин. Инвестицион лойиҳалар, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефт ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилиши лозим. Мазкур тармоқлардаги инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш қулай тақозо этади. Қулай инвестиция

муҳити инвесторнинг у ёки бу давлат иқтисодиётига маблағ сарфлаш учун шарт-шароитларнинг қулайлигини, яъни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий шароитларнинг яратилганлигини баҳолашдаги барча ҳисоб-китоблар мажмуасини ўз ичига олади.



6-чизма. Инвестиция лойиҳасининг таснифланиши

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишнинг аҳамияти қуйидагилар билан изоҳланади: биринчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва

бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлашимконини яратади; иккинчидан, хорижий инвестицияларни ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради; учинчидан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди; тўртинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади; бешинчидан корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

Демак, иқтисодиётга киритилаётган инвестициялар миқдори ва унинг динамикаси мамлакатдаги иқтисодий ўсиш суръатларини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

1.2.Инвестицион лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг моҳияти ва аҳамияти

Бугунги кунда Ўзбекистонда инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича ҳам қатор вазифалар амалга оширилмоқда. Хусусан, иқтисодиётда янги бир термин “инвестицион лойиҳа” киритилди ва унинг иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши учун аҳамияти белгилаб берилди.

Инвестицион лойиҳалар Вазирлар Маҳкамасининг 09.04.99 й. даги 165 – сонли “Чет эл инвестицияси иштирокидаги устивор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тузилади. Унга кўра инвестицион лойиҳа бу маълум ижтимоий – иқтисодий мақсадларга йўналтирилган, техник – иқтисодий, бизнес – бошқарув, маркетинг ва ишлаб чиқариш режалари каби аспектлар асосланган, турли молиявий манбалар маблағлари иштироки назарда тутилган комплекс ҳужжатлар йиғиндиси ҳисобланади. Инвестицион лойиҳалар турли мақсадларда тузилади ва амалга оширилади, уларни тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

- ✓ янги ишлаб чиқариш ёки ҳизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- ✓ ишлаб чиқаришни ёки ҳизмат кўрсатишни кенгайтириш;
- ✓ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- ✓ давлат ташкилотлари талабини қондириш, уларни маҳсулот ва ҳизмат лар билан таъминлаш.

Инвестицион лойиҳаларни 4 ҳил турдаги давр учун тузиш ва молиялаштириш мумкин:

- ✓ қисқа муддатли лойиҳалар, муддати 1 йилгача;
- ✓ ўрта муддатли лойиҳалар, муддати 1-3 йилгача;
- ✓ узоқ муддатли лойиҳалар, муддати 3-7 йилгача;
- ✓ стратегик лойиҳалар, муддати 7-12 ва ундан кўп йилларни ташкил этади.

Лойиҳаларда юқоридаги ҳаётийлик даври муддатлари лойиҳа иштирокчиларининг оптимал фойда олиш бўйича мақсадлари ва режаларидан келиб чиқиб белгиланади.

Лойиҳаларни 3 турдаги активлар (мулк) ҳисобига молиялаштирилади:

1) Молиявий инвестициялар ва қарзлар. Буларга қимматбаҳо қоғозлар, банкдаги депозитлар, кредитлар, пул маблағлари, юқори ликвидли қимматбаҳо предметлар киради;

2) Материал (моддий) активлар. Буларга кўчмас мулк, асосий воситалар, ер, ишлаб чиқариш техникаси, линиялари, хом аше, ва материаллар киради;

3) Номоддий активлар. Буларга ноу-хау, ҳимояланган фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқи, интеллектуал мулк, инновациялар, ишчи капитали ақлий маҳсули киради.

Инвестиция тўғрисидаги қонунга кўра лойиҳа хусусий капитал баъдал сифатида таъсисчилар билан келишган ҳолда хохлаган турдаги предмет киритилиши мумкин. Инвестицион лойиҳани молиялаштирарканлар, инициаторлар аввало ушбу лойиҳадан кўзланган мақсадига ета олиши мумкинлиги ёки йўқлиги ҳақида ўйлайди, уларнинг реаллигига ишонгач, лойиҳада қатнашади ва уни молиялаштиради.

Ҳар бир лойиҳа асосан икки турдаги капитал ҳисобига молиялаштирилади:

- 1) инициатор ўз капитали ҳисобига;
- 2) қарз капитали ҳисобига.

Қарз капитали ўзига ҳосхусусиятларга эга, бу унинг тамойиллари билан ифодаланади; қайтаришнинг зарурлиги, муддатга берилгани, тўловлилик, мақсадлилиқ ва таъминланганлик. Бундан ташқари унинг маълум фоизга берилиши ва лойиҳа муваффақиятли ёки муваффақиятсиз амалга оширилишидан қатъий назар, уларни қайтариш зарурлиги билан ҳам ифодаланади. Бу турдаги капиталдан фойдаланиш учун инициатор учун пухта, мукамал тузилган бизнес режа ёки ТИА зарур бўлади, бизнес режанинг иқтисодий асосланганлиги ва самарадорлиги, рисклардан ҳимояланганлигидан келиб чиқиб, бу икки турдаги маблағлардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Қарз капитали, кредитларнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, кредит тўловлари белгиланган муддат ва даврлар давомида ундириб

олиаверади, инициатор ўз капитали эса оборотдан чиқарилмай, келгуси йилларда ҳам оборотда ишлатилиши, реинвестицияланиши мумкин.

Ҳар қандай лойиҳанинг амалга оширилиши самарадорлигига юқоридаги омил ва уларнинг ўзгариши бевосита таъсир этади.

Инвестицион лойиҳани молиялаштириш тўғрисида қарорлар маълум ноаниқликлар ва рисклар шароитида қабул қилинади, бундай ноаниқликларни камайтириш учун лойиҳа ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш, уларни таҳлил қилиш, прогнозлар қилиш талаб этилади. Қарорлар қабул қилишнинг 2 хил усули мавжуд: статик ва динамик усуллар. Статик усул лойиҳанинг маълум давр, одатда бир йил, ярим йил, 3 ойдаги кўрсаткичлар таҳлилини ўз ичига олади, кўрсаткичларнинг йил боши ва йил охиридаги натижалари аниқланади, уларнинг ўзгариши ўрганилади. Динамик усулдан эса узок муддатли лойиҳаларни асослаш, таҳлил қилишда фойдаланилади. Бунда кўрсаткичларнинг ўзгариши динамикаси йиллар давомида ўрганилади.

Жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда.

Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтишдан аввал капитал қўйилмалар ва янги техниканинг мутлоқ ва солиштирма иқтисодий самарадорлиги усуллари кенг қўлланган. Уларга инвестициялар объектини яратиш ва амалга ошириш натижасида олиш мумкин бўлган халқ хўжалиги самараси кўрсаткичи асос қилиб олинган. Мутлоқ иқтисодий самарадорлик фойданинг (таннархнинг пасайиши ва б.) унга сабаб бўлган потенциал қўйилмаларга нисбати сифатида ҳисоб-китоб қилинади.

Солиштирма иқтисодий самарадорлик келтирилган ҳаражат лар усули билан ҳисоб-китоб қилинади. Бу усул капитал қўйилмалар ёки унга тесқари кўрсаткич – дисконтлаш ва келтирилган ҳаражат ларни ҳисоблаш учун ҳар хид аҳамиятга эга бўлган самарадорлик норматив коэффициентининг директива асосида белгиланган ўзини қоплаш норматив муддатидан фойдаланишга асосланади.

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш бўйича услубий тавсияларда самарадорликнинг қуйидаги турлари ажратиб кўрсатилади:

✓ бутун лойиҳа самарадорлиги, иқтисодий нуқтаи назардан техник, технологик ва ташкилий лойиҳа ечимларини, лойиҳанинг қатнашчилар учун потенциал жозибадорлигини, ижтимоий-иқтисодий ва тижорат самарадорлигини аниқлаган ҳолда молиялаштириш манбаларини излаб топишни тавсифлайди;

✓ лойиҳада қатнашиш самарадорлиги, корхоналарнинг лойиҳада, акцияларга инвестициялашда иштирок этиш натижаларини, шунингдек, инвестициялар лойиҳаси қатнашчиси бўлган корхоналарга нисбатан юқори даражадаги тўзилмаларнинг иштироқи, жумладан, айрим минтақалар ва бутун халқ хўжалиги учун минтақавий ва халқ хўжалиги самарадорлигини, халқ хўжалигининг айрим тармоқлари, молия-саноат гуруҳлари, корхона ва холдинг тўзилмалари бирлашмалари учун – тармоқ самарадорлигини ва барча даражадаги даромад ва ҳаражат лар нуқтаи назаридан давлат иштирокида – бюджет самарадорлигини қамраб олади.

Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар уларни қўллашнинг асосий жиҳатлари ва шартларини акс эттириши лозим. Бу кўрсаткичларни улар турли-туман бўлгани ҳолда қуйидаги гуруҳларга бирлаштириш мумкин: молиявий-иқтисодий, норматив, ресурс кўрсаткичлари ва ҳоказолар.

Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар қаторига лойиҳа қиймати, дисконтлаш йўли билан олинган соф жорий қиймат, фойда, рентабеллик (инвестициялар қайтими), ички фойда меъёри (лойиҳа бўйича тушумлар жорий ҳажми

инвестициялар жорий қийматига, соф жорий қиймат кўрсаткичи эса нолга тенг бўлган коэффицент), ўзини қоплаш даври ва ҳоказолар.

Норматив кўрсаткичлар қаторига эса ҳуқуқий кўрсаткичлар (миллий ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари), конвенциялар ва стандарт талаблари, патент лаёқати ва интеллектуал мулк ҳуқуқига амал қилишнинг бошқа шартларини киритиш мумкин. Улардан биронтасига амал қилмаслик самарали лойиҳани бажариб бўлмайдиган қилиши мумкин.

Ресурс кўрсаткичлари ҳам лойиҳани амалга оширишнинг потенциал имкониятини белгилаб беради. Улар қуйидаги гуруҳларга тақсимланади: илмий-техник ресурслар – керакли илмий-техник асосларнинг, мос келувчи малакали мутахассислар мавжудлиги; ишлаб чиқариш ресурслари – ушбу лойиҳани амалга ошириш учун ишлаб чиқариш қувватлари ва моддий ресурслар мавжудлиги; технологик вариантлар – рақобатлашувчи технологияларни баҳолаш; молиявий ресурслар ҳажми ва манбалари ва ҳоказолар.

Ҳозирги пайтда хорижий, шунингдек, мамлакатимиз амалиётида фойдаланилаётган бир қатор усулларни иккита асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин. Биринчи гуруҳни инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг статик усуллари (баъзида оддий ёки анъанавий деб ҳам аталади) ташкил қилади: концепция, дисконтлашдан, жумладан, капиталга фойда меъёри (ўртача, ҳисоб-китоб ёки йиллик) инвестицияларнинг ўзини қоплаш муддати, зарарсизлик нуқтасини топиш ва бошқалардан фойдаланишни кўзда тутмайдиган усуллар. Иккинчи гуруҳ жорий қиймат (соф келтирилган қиймат) усули, ички фойдалилик (даромадлилик) меъёри, дисконтланган ўзини қоплаш даври, инвестициялар рентабеллиги, аннуитет каби дисконтлашдан фойдаланишга асосланган динамик усуллар киради.

Аниқ лойиҳа уни амалга ошириш мақсадга мувофиқлигидан, унинг иқтисодий ва молиявий самарадорлигидан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мулоҳазаларга кўра амалга ошириш имкониятлари ва мақбуллигидан, тармоқни

ривожлантиришнинг стратегик вазифаларига мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич танлаб олинади:

✓ биринчи босқичда – лойиҳа аниқ тармоқ ва минтақани ривожлантириш устуворликларидан келиб чиққан ҳолда олдиндан баҳоланади;

✓ иккинчи босқичда – лойиҳа иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва минтақаларини ривожлантириш устуворликлардан келиб чиққан ҳолда, танлаб олинади.

Аниқ дастурга иқтисодий жиҳатдан самарасиз инвестицион лойиҳаларни, шунингдек, илгари жалб қилинган кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзи бўлган корхоналар лойиҳаларни киритиш таъқиқланади.

Қуйидагилар биринчи босқичда лойиҳанинг устуворлигини белгилашнинг мезонлари ҳисобланади:

- лойиҳанинг тармоқни ривожлантириш стратегиясига мувофиқлиги;
- молиявий ва иқтисодий самарадорлик;
- маҳаллий хом – ашёдан ва бутловчи буюмлардан фойдаланиш даражаси;
- тайёрланган мутахасссларнинг мавжудлиги;
- лойиҳанинг амалга оширишга тайёрланганлиги даражаси;
- ишга туширилгандан кейин фойдаланиш ҳаражатлари.

Ҳар бир мезоннинг муҳимлиги даражаси тармоқни ривожлантириш стратегиясини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланади.

Иккинчи босқичда уч йиллик даврда республика иқтисодиётидаги таркибий ўзгартиришлар прогнози мувофиқ кўшимча равишда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинади:

- тармоқ (минтақа) нинг истикболдаги прогноз ўсиш суръатлари;
- экспорт салоҳиятининг прогноз ўсиш суръатлари;
- тармоқнинг умуман республика бўйича макроиқтисодиёт кўрсаткичларига таъсирининг ўзгариши;
- таркибий омиллар;

- илгари қуйилган инвестициялар самарадорлиги;
- асосий фондлар аҳволи ва қувватлардан фойдаланиш даражаси;
- лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти.

Иккинчи босқичда танлаб олиш натижаларига кўра дастурга киритилган объектларнинг аниқ дастури шакллантирилади.

Дастурни ва инвестиция лойиҳаларни амалга оширишнинг биринчи йили кўрсаткичлари мавжуд молиявий ресурслар ва бошқа ресурслар билан ўзаро боғланган бўлиши керак ҳамда биринчи молиявий йилда ўзгартирилмайди.

Дастурни ва инвестиция лойиҳаларни амалга оширишнинг иккинчи ва кейинги йиллари кўрсаткичлари ҳар йили аниқлаштирилиши керак, бунда бошланмаган лойиҳаларни бир қисми янги лойиҳаларда алмаштирилиши мумкин.

Дастурнинг йиғма рўйхатига вазирликлар ва идоралар, Қорақоғонiston Республика Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар хоқимликлари, мулкчилик шаклларида қатъий назар корхоналар ва ташкилотларнинг устувор инвестиция таклифлари киритилади.

Айрим инвестиция лойиҳалари ёки инновацион фаолият йўналишлари шунингдек, у ёки бу муайян натижаларга (лойиҳалаштиришни яқунлаш, бозорга кириб бориш ва унда мустаҳкам ўрин эгаллаш, мўлжалланган фойдалилик (рентабеллик) даражасига эришиш, инвестицияларнинг ўзини қоплаши ва б.) эришишнинг башорат қилинаётган муддатлари мақбўллиги нуқтаи назаридан баҳоланиши ҳам мумкин.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажаришни тезлатиш самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш ҳам маълум бир қизиқиш уйғотади. Бир томондан, лойиҳани амалга оширишнинг ушбу босқичида тадқиқот ва лойиҳалар жараёнини (лойиҳалаштириш, қурилиш) тезлатиш катта ҳаражатларни талаб қилса, бошқа томондан – бозорга бу маҳсулотни ишлаб чиқаришда фирма қисқа муддат бўлсада, монополиячи бўлган янги самарали маҳсулот (товар) билан эртароқ чиқиш имкони пайдо бўлади. Ҳар бир потенциал лойиҳа

унинг мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий шароитлар ва уларнинг мумкин бўлган ўзгаришларига мослик жиҳатидан ҳам баҳоланиши лозим.

Инвестиция лойиҳасини яратиш ва амалга ошириш жараёни динамик жараён эканлиги сабабли уни тавсифлаш учун компьютер техникаси ёрдамида амалга оширилувчи имитацион моделлардан фойдаланилади. Бу моделларда ўзгарувчилар сифатида инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари, шунингдек, ташқи иқтисодий муҳитни тавсифловчи сотув бозори тавсифномаси, инфляция, кредитлар бўйича фоизлар каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Ушбу моделлар асосида даромадлар ва харажатлар оқими аниқланади, самарадорлик кўрсаткичлари ҳисоб-китоб қилинади, ишлаб чиқариш фаолиятининг йиллик баланслари тузилади, ички ва ташқи омилларнинг лойиҳа фаолияти натижаларига таъсири таҳлил қилинади. Саноати ривожланган мамлакатларда йирик саноат ва молия корпорациялари ўз ривожланиши ва капитални саарали жойлаштириш учун математик моделларни яратадилар. Математик моделлаштириш воситаларидан инвестиция лойиҳалари самарадорлигини мижозлар буюртмаси бўйича бажараётган турли маслаҳат фирмалари ҳам кенг фойдаланмоқда.

Ҳозирги пайтда хорижий, шунингдек, мамлакатимиз амалиётида фойдаланилаётган бир қатор усулларни иккита асосий гуруҳга бирлаштириш мумкин. Биринчи гуруҳни инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг статик усуллари (баъзида оддий ёки анъанавий деб ҳам аталади) ташкил қилади: концепция, дисконтлашдан, жумладан, капиталга фойда меъёри (ўртача, ҳисоб-китоб ёки йиллик)инвестицияларнинг ўзини қоплаш муддати, зарарсизлик нуқтасини топиш ва бошқалардан фойдаланишни кўзда тутмайдиган усуллар. Иккинчи гуруҳ жорий қиймат (соф келтирилган қиймат) усули, ички фойдалилик (даромадлилик) меъёри, дисконтланган ўзини қоплаш даври, инвестициялар рентабеллиги, аннуитет каби дисконтлашдан фойдаланишга асосланган динамик усуллар кирди.

1.3. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усуллари

Инвестицион фаолият одамда ноаниқлик шароитида амалга оширилади, шунинг учун бундай вазиятда таваккалчилик омилини ҳисобга олишимиз керак. Янги ускуна воситаларини сотиб олиши ва ўзлаштирилиш пайтида одатда, келажакда шулар ҳисобига келадиган иқтисодий самарани аниқлаш мураккаб жараён дир. Шунинг учун инвестицион лойиҳа таҳлили пайтида кўп муқобил инвестицион лойиҳалар кўриб чиқилиб, ягона инвестицион қарор қабул қилинади. Бунда лойиҳаларни кўриб чиқишда бир неча критерий ва параметрлардан фойдаланилади (қўйилма ҳажми, қопланиш муддати, жалб қилинадиган маблағ манбаи), лойиҳаларни барча критериялар бўйича қараб чиқилгандан сўнг ичидан биттаси қабул қилинади, шунинг учун йўл қўйиладиган таваккалчилик юқори бўлади. Инвестицион қарорларни қабул қилиш ҳам бошқа бошқарув қарорларини қабул қилиш сингари санъат дир. Бу ерда тадбиркорнинг тажрибаси, билими, мутахассислиги ва қолаверса, сезиш ҳоли муҳим рол ўйнайди. Тадбиркорга жаҳон менежмент хазинасида йиғилиб келадиган билимлар, жумладан, менежмент амалиётида шаклланиб қўлланиб келадиган инвестицион лойиҳаларни баҳолаш услублари катта ёрдам бериб келади.

Инвесторлар учун инвестицион қарорлар қабул қилиш жуда қийин вазифа ҳисобланади. Бунда асосий мезон корхона қийматларини ошириш мезонларига қаратилади. Унинг омиллари бўлиб корхона даромадлари ўсиши, молиявий риск ёки ишлаб чиқариш ҳаражатларининг камайиши, корхона ишлари самарадорлиги даражасини ошириш ҳисобланади.

Реал инвестиция лойиҳалари бўйича бундай натижаларга эришиш учун, ҳар қандай лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш зарур бўлади. Шундай қилиб инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки лойиҳанинг самарадорлигини баҳолаш даражасидан қўйилган капиталнинг қайтиб келиш муддати, корхонанинг ривожланиш суръати ҳамда бошқа ижтимоий- иқтисодий муоммаларни ҳал қилиш имконини беради.

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолаш усуллари.

Чет эл мамлакатларининг тажрибасини, шу билан бирга ЮНИДО⁹ (United Nations Industrial Development Organization) тавсияларини ҳисобга олган ҳолда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш икки мезон асосида, яъни молиявий ва иқтисодий баҳолаш орқали амалга оширилади.

Инвестиция лойиҳаси самарадорлигини баҳолашнинг бу иккала мезони ҳам бир-бирини тўлдириб туради.

Молиявий баҳолаш инвестиция лойиҳасини умумий реализация (амалга ошириш) жараёнидаги ликвидлигини таҳлил қилишда ишлатилади.

Бошқача айтганда, молиявий баҳолаш вазифаси, лойиҳани белгиланган муддатларда амалга ошириш учун, унинг жами молиявий мажбуриятларини бажаришга корхонанинг етарли молиявий ресурслари бўлишини белгилашдир.

Иқтисодий баҳолаш эса, инвестиция лойиҳасининг потенциал қобиляти, шу лойиҳага қўйилган маблағларнинг қийматини сақлаб қолишда ва уларнинг ўсиши суръатини етарли даражасини яратиб беришда фойдаланилади.

Амалиётда инвестицияларнинг самарадорлигини (ИС) аниқлаш учун фойда массасининг (Ф) инвестиция ҳаражатларига (ИХ) бўлган нисбати фоиз кўринишида олинади:

$$ИС = Ф / ИХ \times 100 \quad (1.1)$$

Инвестиция ҳаражатларини фойда билан солиштириш жараёни доимий равишда инвестициялаш амалга ошгунча қадар (инвестицион лойиҳанинг бизнес-режаси ишлаб чиқариш даврида), инвестициялаш даврида (объектни қурилиши даврида) ва инвестициялашдан сўнг (янги объектдан фойдаланиш даврида) давом этади.

Молиявий асосланганлик инвестиция жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Инвестор молиявий ҳолати номаълум бўлган юридик ёки жисмоний шахслар билан ҳеч қандай муносабатлар олиб бормади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда, корхоналар молиявий

⁹ ЮНИДО-Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкилий бўлинмаси бўлиб, унинг асосий вазифаси БМТга аъзо мамлакатлар саноати ривожланишига ёрдам беришдир.

ҳисоботларини эълон қилиш нормал ҳолат ҳисобланади ва улар ҳар хил тўпламлар ҳолатида чоп этилади. Бу тўпламлар орқали компанияларнинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумотлар олиш мумкин.


Инвестиция лойиҳасининг молиявий асосланганлик баҳоси пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ёрдамида асосан ҳисобланади (4-шакл). Бу эса корxonанинг маблағлари ҳолати тўғрисида аниқ маълумот олишни, шу билан бирга бу маблағларнинг инвестиция лойиҳасига етарлигини кўрсатиб беради. (1-жадвал).

1 - жадвал

Корхона пул оқими ҳарактеристикаси

Корхона фаолияти тури	Фойда (кирим)	Харажатлар (чиқим)
Инвестиция фаолияти	а) асосий воситаларни сотиш. б) номоддий активларни сотиш. в) узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиш. г) оборот капиталининг камайиши ҳисобига тушумлар	а) капитал қўйилмалар. б) номоддий активларни сотиб олиш. в) оборот капиталининг ўсиши ҳисобига харажатлар. г) узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш.
Операцион фаолият	а) маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан келиб тушган пул маблағи. б) операцион фаолият нинг бошқа пул тушумлари.	а) материал товар, иш ва хизмат лар учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари. б) ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари. в) операцион фаолият нинг бошқа пул тўловлари.
Молиявий фаолият	а) акциялар чиқар-ишдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инструментлардан келган пул тушумлари. б) олинган фоизлар ва дивидентлар. г) молиявий фаолият нинг бошқа пул тушумлари, шу жумладан қарзлар бўйича пул тушумлари	а) хусусий акциялар сотиб олингандаги пул тўловлари. б) тўланган фоизлар ва дивидентлар. в) узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар бўйича тўловлар. г) лизинг бўйича тўловлар. д) молиявий фаолият нинг бошқа тўловлари.

Қуйидаги 7 - чизмада ҳар бир мезон бўйича асосий аниқлаш усуллари келтирилган.



7-чизма. Инвестиция лойиҳаси самарадорлигини баҳолаш.

Корхона пул оқимлари асосан қуйидагилардан ташкил топади:

- ✓ операцион фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими (4-шакл, 050-қатор);
- ✓ инвестицион фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими (4-шакл, 100-қатор);
- ✓ молиявий фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими (4-шакл, 180-қатор);

Пул маблағлари бўйича салбий сальдо чиққанда, қўшимча ўз маблағлари ёки қарз маблағларини жалб этишни тақозо этади ва бу маблағлар инвестиция лойиҳасини молиявий баҳолаш ҳисоб-китобида акс эттирилиши керак.

Лойиҳанинг мақсади, шартлари ва вариантларини танлаб олишга кўра молиявий баҳолаш (ёки молиявий асосланганлик баҳоси), инвестицион лойиҳалаш жараёнида қўшимча маълумотлардан фойдаланиш мумкин. (масалан, 1 ва 2 шакл маълумотлари).

Амалиётда эса кўпгина корхоналар пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни унчалик акс эттирмайдилар. Бу эса корхонанинг пул маблағлари, қайси фаолият эвазига келаётганлигини таҳлил этишга имкон бермайди. Натижа эса корхонани молиявий баҳолашни қийинлаштиради. Шунинг учун корхоналар молия-ҳўжалик фаолияти учун маълумотлар эълон қилаётганида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирнинг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил 24 январда рўйхатга олинган) талабларини тўлиқ инobatга олишлари зарур бўлади.

Инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг иккинчи усули, бу лойиҳани иқтисодий баҳолаш ҳисобланади.

Лойиҳани иқтисодий баҳолаш ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади:

- Оддий (ёки статистик) баҳолаш;
- дисконтлашга асосланган баҳолаш.

Биринчи гуруҳга қуйидагилар киради:

- инвестиция қоплаш муддати (Payback Period, PP);
- инвестиция самарадорлиги коэффиценти (Accounting Rate of Return, ARR).

Кўпчилик ҳолларда амалиётда инвестиция самарадорлиги коэффициентини (ARR) ўрнига фойданинг оддий нормаси (return on investments, ROI) коэффициентидан фойдаланилади. Лекин бу икки коэффициентни ҳисоблаш алгоритми бир хилдир.

Ушбу усулнинг асосий афзалликлари коэффициентларни аниқлашда бажариладиган ҳисоб-китоб ишларининг қулайлиги, оддийлиги ва тушунарлигидадир. Бу гуруҳ коэффициентининг камчиликлари шундан иборатки, бунда инвестицияланадиган лойиҳа бўйича вақт омили ҳисобга олинмайди.

Иккинчидан, инвестиция капиталининг қопланиши кўрсаткичига асос қилиниб, фойда олинади, аммо амалиётда амортизация ажратмалари ҳам инвестиция капиталининг қопланиши учун манба бўлади.

Шунинг учун инвестиция қоплаш муддати коэффициентини (PP) ҳисоблашда, албатта амортизация ажратмаларини ҳисобга олиш зарур.

Учинчидан, бу коэффициентлар инвестиция лойиҳаси бўйича бир томонлама баҳолашни беради, яъни у фойда ва инвестиция суммалари миқдорига асосланган бўлади.

Инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини чуқур таҳлил этиш учун иккинчи гуруҳ иқтисодий баҳолаш коэффициентларидан фойдаланилади. Уларга қуйидагилар киради:

- соф келтирилган қиймат (Net Present Value, NPV) ёки соф жорий қиймат;
- инвестиция рентабеллиги индекси (Profitability Index, PI);
- фойданинг ички меъёри (Internal Rate of Return, IRR);
- инвестиция дисконтланган қоплаш муддати (Discounted Payback Period, DPP).

Хулоса қилиб, шуни айтиш жоизки инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашда икки усул, яъни молиявий ва иқтисодий баҳолашдан фойдаланилади. Бу баҳолаш усуллари бир-бири тўлдириб туради ва инвестиция лойиҳасининг самарадорлигини аниқ ва тўлиқ баҳолашда муҳим рол ўйнайди.

2.1. “Delux Fabric” МЧЖнинг ривожланиш тарихи ва асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

Халқ истеъмоли моллари билан таъминлашда тикувчилик саноати энгил саноат тармоқлари ичида энг етакчи эўринларда туради.

Ўзбекистон халқни юқори сифатли турли ассортиментдаги маҳсулотлар билан таъминлаш учун мустақиллигимиз натижасида энгил саноатининг турли тармоқларига қарашли корхоналарни техник жиҳатдан қайта реконструкция қилиш, янги техника ва илғор технологияни жорий этиш янги, шулар жумласидан, технологик жараёнларни автоматлаштириш учун “Вент ер” тандалаш дастгоҳлар олинган замонавий технологик асбоб-ускуналар ҳисобида корхонанинг 2013 йил охирида келиб рентабеллик ўсиш даражадан 10-15% ни ташкил этади.

Ишлаб чиқариш маҳсулотининг таннархини камайтириб, алоҳида хом ашёни истеъмолчиларга етказиб бериш мақсадида ҳар хил хом ашё истеъмол моллари етказиб бериш мақсадида ҳар хил хом ашё бўз ишлаб чиқилмоқда.

2014 йилнинг декабр ойида тикув машиналари харид қилиниб, янги иш ўринлари яратилди.

“Delux Fabric” МЧЖ 2011 йил 26 апрелида ташкил топганида оз вақт бўлган бўлса-да, шу қисқа вақт ичида корхонада ишлаб чиқариш ҳажми икки барават ошди. Корхонада сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш мақсадида чет эл давлатларидан замонавий автоматлаштирилган дастгоҳлар харид қилинди.

Масалан: Белгиянинг “Piknol” тикув дастгоҳи, Германиянинг “Zucker spuuler” охорлаш дастгоҳи, шунингдек, Германияда малака ошириб келган 36 нафар ишчи иш билан таъминланди.

Тикув цехида ҳар хил ассортиментда эркаклар ва аёллар дастрўмолчалари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Корхона ҳар хил ассортиментдаги маҳсулотларни экспорт қилиш учун янги ва янги шартномалар имзолади.

“Delux Fabric” МЧЖда калава иплари қилув қилиниб ундан тиклов цехдан ҳар хил бўзлар тикилиб ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариляпти.

Корхонада ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларпардозлаш фабрикасига юборилиб, рангланиб, гул узил пардозланиб улардан гуллик матолар ишлаб чиқилиб, халқимиз учун ҳар хил ассортиментдаги матолар ишлаб чиқилмоқда.

2016 йилнинг март ойига келиб, ушбу корхонада 114 нафар ишчилар ишлай бошлади. Яъни, янги ишчи ўринлари яратилди. Бундан ташқари, корхонада доимий равишда рағбатлантириш, моддий ёрдам бериш, жамоа билан биргаликдаги тижоратгоҳларга қичиш йўлга қўйилган.

“Delux Fabric” МЧЖ халқимизнинг тинчлиги, фаровонлиги ва осойишталиги йўлида қилинаётган хизматни ўзига шараф деб билиб, келгусида бор кучи, яъни ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда давлатимиз иқтисодиётига, қолаверса, мамлакат рақобатбардошлигини ошириш учун ўз маҳсулотларини экспортбоп ҳолатда ишлаб чиқарган ҳолда корхонани тубдан дунёга танитиш учун ўз салоҳиятини кўрсатишга бел боғлаган.

**"Deluxe fabric" МЧЖ нинг асосий техник иктисодий
кўрсаткичлари**

Жадвал № 2.1.1.

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирли ги	2014 йил	2015 йил	2016 йи	2016 йил 2014га нис,%	2016 йил 2015га нис,%
1	Товар маҳсулот:						
	А) Солиштирма баҳоларда	млн сўм	3786,3	7999,6	8526,5	225,19	106,6
	Б)Харакатдаги баҳоларда	млн сўм	3087,5	7120,3	8230,3	266,57	115,6
	Шу жумладан экспорт	минг АКШ долл,	158,3	253,2	333	210,36	131,5
2	Натурал ифодада маҳсулот хажми					225,19	106,6
	- шу жумладан		1190,80	2515,90	2681,60		
	буз	м,п,м,	796,90	1761,10	1856,30	232,94	105,4
	буз	м,п,м,	393,9	754,8	825,30	209,52	109,3
	Румолча	минг дона		2400,00	6523,00		271,8
3	СИЧХ уртача рухатдаги сони	киши	33	128	151	457,58	118,0
4	Маҳсулот сотишдан соф тушум	млн сум	2974,48	7044,56	8166,0	274,54	115,9
5	Иш хаки фонди	минг сум	193492,2	437250	886455	458,13	202,7
6	Мехнат унумдорлиги	минг сум	114736,5	62497,1	83782,5	73,02	134,1
7	Уртача иш хаки	минг сум	5863,4	6625	7035,4	119,99	106,2
8	И/Ч ва сотиш харажатлари	млн сум	2390,8	5999,3	7125,0	298,02	118,8
9	1 сумлик ТМ харажатлари,	тийин	77,43	84,26	86,57	111,80	102,7
10	Баланс фойда	минг сум	155591,5	653652,9	804834,5	517,27	123,1
11	Соф фойда	минг сум	45032,8	301424,9	371588,7	825,15	123,3
12	Асосий ишлаб чиқариш фондларининг уртача киймати	млн сум	2563,3	3456,6	4771,4	186,14	138,0
13	Фонд самараси	сум	1,20	2,06	1,72	143,21	83,7
14	Айланма активлар	млн сум	1626,3	1856,2	1980,9	121,80	106,7
15	Жами мулк	млн сум	4189,6	5312,8	6752,2	161,17	127,1
16	Капитал рентабеллиги	%	3,71	12,30	11,92	8,21	-0,38
17	Айланма активларнинг айланиши	марта	1,83	3,80	4,12	2,29	0,33

Жадвалдан кўришиб турибдики, корхонада товар маҳсулот ҳаракатдаги баҳоларда 2016 йилда 2014 йилга нисбатан 166,57 %га ёки 5142 млн сўмга кўпайган бўлса, 2015 йилга нисбатан эса 15,6 %га ёки 1110 млн сўмга кўпайди. Товар маҳсулот солиштирма баҳоларда 2016 йилда 2014 йилга нисбатан 4740,19 млн.сўмга кўпайган бўлса, 2015 йилга нисбатан 526,98 млн.сўмга кўпайди. Бунинг асосий сабаби корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми натурал ифодада 2016 йилда олдинги йилларга нисбатан кўпайиб бормокда. Яъни корхонада бўз ишлаб чиқариш 2016 йилда 2014 йилга нисбатан 1490 М п.м. кўпайган бўлса, 2015 йилга нисбатан 165,7 м.п.м. кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши корхонада ишловчилар сонининг кўпайишига ҳам таъсир кўрсатди. Яъни, корхонада ишловчилар сони 2014 йилга нисбатан 118 ва 2015 йилга нисбатан 23 кишига кўпайди. Корхонада меҳнат унумдорлиги 2014 йилга нисбатан 27 %га камайган бўлса, 2015 йилга нисбатан эса 34,1 % кўпайди.

Маълумки, корхонанинг асосий самарадорлик кўрсаткичлардан бири 1 сўмлик товар маҳсулот харажатларидир. Жадвалдан кўришиб турибдики, корхонада ушбу харажатлар йилдан-йилга кўпайиб бормокда. Яъни, 1 сўмлик ТМ харажатлари 2016 йилда 2014 йилга нисбатан 9,14 тийинга кўпайган бўлса, 2015 йилга нисбатан эса 2,34 тийинга кўпайди.

Маълумки, корхонанинг асосий молиявий кўрсаткичларига фойда киради. Корхонада баланс фойда йилдан-йилга кўпайиб бормокда, яъни баланс фойда 2016 йилда 2014 йилга нисбатан 649243 минг сўмга, 2015 йилга нисбатан эса 151181,6 минг сўмга кўпайди. Соф фойда ҳам 2016 йилда 2014 йилга нисбатан 326555,9 минг сўмга кўпайган бўлса, 2015 йилга нисбатан 70163,8 минг сўмга ёки 23,3%га кўпайди.

Таҳлил қилинаётган йилларда корхона мулкидан самарали фойдаланилмади. Жадвалдан кўриниб турибдики, капитал рентабеллиги 2016 йилда 2014 йилга нисбатан 8,21пунктга кўпайган бўлса ва 2015 йилга нисбатан 0,38 пунктга камайди.

Корхона мулкининг асосий қисми бўлмиш айланма активлардан ҳам таҳлил қилинаётган йилларда самарали фойдаланилмади. Жадвалдан кўриниб турибдики, корхонада айланма активларнинг айланиши 2016 йилда 2014 йилга нисбатан 2,29 мартага кўпайган бўлса, 2015 йилга нисбатан эса 0,33 мартага кўпайди. Умуман қилиб олганда, таҳлил қилинаётган йилларда "Deluxe fabric" МЧЖнинг молиявий ҳолати олдинги йилларга нисбатан ижобий томонга ўзгарди. Шунинг билан бирга, корхонанинг имкониятлари катта ва уни аниқлаш корхонанинг хўжалик ва молиявий ҳолатини чуқурроқ таҳлил қилишни талаб қилади.

2.2.Товар ва сотилган маҳсулот таҳлили

Саноат корхоналари олдида турган асосий вазифалардан бири - жамият эҳтиёжларини унинг маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондиришдир. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг бир текисда ўсиши миллий даромад ҳажмини оширади, ишлаб чиқариш ўсиш суръатларининг юксалиши учун қўшимча манбаларни яратади ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлик даражасини янада оширади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишда таҳлилнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ✓ маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича белгиланган режа топшириқларнинг тиғизлигини текшириш;
- ✓ корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва ўзгаришининг ҳажми, таркиби, номенклатураси, ассотименти, сифати бўйича ва бир текисда ишлаб чиқаришга баҳо бериш;
- ✓ ўтган йилга нисбатан ўзгаришларни ва унинг сабабларини аниқлаш;
- ✓ тузилган шартнома мажбурияти асосида маҳсулотни етказиб бериш бўйича режанинг бажарилишига баҳо бериш.

Товар маҳсулот бўйича режа бажарилишининг таҳлили

Жадвал № 2.2.1.

Кўрсаткичлар	Ўтган й	Ҳисобот й		Режага нисбатан ўсиши %	Ўтган й.га нисбатан ўсиши %
		режа	амал		
Товар маҳсулот солиштирма баҳода (МЛН сум)	7999,64	8652	8526,5	98,55	106,59
Товар маҳсулот :					
-режада қабул қилинган баҳоларда	X	8254	8023,1	97,20	X
-ҳаракатдаги баҳоларда	X	X	8230,3	X	X

Жадвалдан кўришиб турибдики, корхонада товар маҳсулот солиштирма баҳоларда режага нисбатан 1,45 % га ёки 125,5 млн сўмга камайди. Ўтган йилга нисбатан эса 6,59% га ёки 526,8 млн.сўмга кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Товар маҳсулот режада қабул қилинган баҳоларда ҳам режага нисбатан 2,8 %га ёки 231млн.сўмга камайди.

Таҳлил қилинаётган йилларда корхонада ишлаб чиқарилаётган бир қатор маҳсулотларнинг улгуржа баҳоси кўпайди. Бунинг натижасида корхона 207,2 млн.сўмга кўшимча товар маҳсулот олди(8230,3-8023,1млн.сўм).

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига керакли хом ашё ва материалларнинг етишмаслиги ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг баҳосида ўзгаришлар ҳисобига рўй берди.

Бугунги миллий иқтисодиётни модернизациялаштириш ва диверсификациялаш шароитида маҳсулот ассортименти бўйича режанинг бажарилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки бизнес режада кўрсатилган ассортимент истеъмолчиларнинг талаблари ва буюртмаларидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Ассортимент бўйича режанинг бажарилмаслиги ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўз харидорини топмаслигига олиб келади, яъни сотилмасдан қолади.

Маҳсулот ассортименти бўйича ўзгаришлар корхонада иш вақти ва дастгоҳлардан тўлиқ фойдаланмасликка, корxonанинг бир маромда ишламаслигига, харажатларнинг ошишига ва товар маҳсулотига таъсир кўрсатиши мумкин. Маҳсулот ассортименти бўйича ўзгаришни таҳлил қилишда маҳсулот турлари бўйича энг кам бажарилиши ҳисобга олинади.

Маҳсулот ассортименти таҳлили

Жадвал № 2.2.2.

Маҳсулот турлари	товар маҳсулот ҳажми млн.сўм			Ассортимент бўйича режа баж хис.учун
	режа	амал	ўсиш даражаси	
бўз қалин	5236,2	5103,2	97,5	5103,2
бўз юпқа	2897,82	2783,60	96,1	2783,60
Рўмолча	120,2	136,3	113,4	120,2
Жами	8254,22	8023,10	97,2	8007

Жадвалдан кўриниб турибдики, корхонада режанинг бажарилиши 97,2% ни ташкил қилди. Режага нисбатан 231 млн.сўмга кам маҳсулот ишлаб чиқарилган. Корхонада бўз материаллари бўйича режа бажарилмади, Фақат рўмолча ишлаб чиқариш бўйича режа ортиғи билан бажарилди.

Ушбу таҳлилда ассортимент буйича режанинг бажарилишини ҳисоблаш лозим:

Корхонада ассортимент буйича режанинг бажарилиши:

97,(8007/8254,22 *100) % ни ташкил қилди.

Демак, корхона олдида турган асосий вазифалардан бири - ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ассортиментини кенгайтириш ва уларнинг сифатини ошириш ҳисобига маҳсулот сотиш ҳажмини кўпайтириш бўлиб қолмоқда.

Сотиш ҳажмининг ўсиш суръатларига кўпгина кўрсаткичлар таъсир кўрсатади. Буларга маҳсулот сифати, уни бир маромда ишлаб чиқариш ва ўз вақтида истеъмолчиларга жўнатиш, сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошидаги ва йил охиридаги бўлган қолдиғи каби омиллар киради. Ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларнинг бир-бирига боғлиқлигини текшириш учун товар балансини тузиш керак. Уни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$T1+M=P+T2$$

бу ерда: T1-сотилмаган маҳсулотларнинг йил бошидаги қолдиғи;

M-жорий йилда ишлаб чиқарилган товар маҳсулотнинг ҳажми;

P- жорий йилда сотилган маҳсулотнинг маҳсулот ҳажми; T2- сотилмаган маҳсулотнинг йил охиридаги қолдиғи.

Сотилган маҳсулот таҳлили

Жадвал № 2.2.3.

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	фарқи
Омбордаги тайёр маҳсулотнинг йил бошидаги қолдиғи млн.сўм	156,0	145,0	-11,0
Юклаб юборилган пули тўланмаган товар маҳсулотнинг йил бошидаги қолдиғи млн.сўм.	40,1	128,0	87,9
Товар маҳсулот млн.сўм	7120,3	8230,3	1110,0
Омбордаги тайёр маҳсулотнинг йил охиридаги қолдиғи млн.сўм.	145,0	125,0	20,0
Юклаб юборилган пули тўланмаган товар маҳсулотнинг йил охиридаги қолдиғи млн.сўм.	128,0	212,3	-84,3
Сотилган маҳсулот млн.сўм	7044,6	8166,0	1121,5

Жадвалдан кўришиб турибдики, корхонада сотилган маҳсулот ўтган йилга нисбатан 1121,5 млн сўмга ёки 15,92 % га камайди.

Унинг ўзгаришига товар маҳсулот, омбордаги тайёр маҳсулотнинг йил бошидаги ва йил охиридаги қолдиқлари таъсир килди. Товар маҳсулот 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 1110,0 минг сўмга кўпайди. Бу эса сотилган маҳсулотни 15,8 % га кўпайтирди.

Омбордаги тайёр маҳсулотнинг ва юклаб юборилган аммо пули тўланмаган тайёр маҳсулотларнинг йил бошидаги қолдиғи 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 76,9 млн.сўмга кўпайди, бу эса ўз навбатида сотилган маҳсулотни 1,1 %га кўпайтирди.

Юклаб юборилган, аммо пули туланмаган тайёр маҳсулотларнинг йил охиридаги қолдиғи 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 64,2 млн.сўмга кўпайди. Бу эса ўз навбатида сотилган маҳсулотни -0,91 % га камайтирди.

Шундай қилиб, умумий таъсирни ҳисоблаймиз:

$$+15,8+1,1 - 0,91=+15,92 \%$$

2.3. Асосий фондларнинг тузилиши ва техник ҳолати таҳлили

Асосий фондлар таҳлили бир неча йўналишларда олиб борилади ва асосий фондларнинг тузилиши, динамикаси, улардан ҳамда узоқ муддатли инвестициялардан самарали фойдаланиш кўр-саткичларига асосланган ҳолда таҳлил натижаларига кўра баҳо берилади.

Асосий фондларнинг ҳаракати таҳлили

Жадвал № 2.3.1.

Асосий фондлар	йил бошида		Ўрнати лди	Олиб ташл анди	йил охирида		фарқи	
	млн. сум	%			млн.сум	%	млн.сум	%
Саноат ИЧФ	3856,3	92,9	1244,11	22,6	5077,813	94,1	1221,51	1,20
Ичдан ташкари АФ	292,71	7,05	25,20	2,01	315,90	5,9	23,19	-1,20
Жами	4149,01	100,0	1269,31	24,61	5393,71	100,0	1244,703	

Жадвалдан кўришиб турибдики, корхонада асосий фондларнинг тузилишида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Яъни, СИЧФ ларининг солиштирама вазни йил бошига нисбатан ўзгармади, яъни 1,2 га кўпайди.

Ушбу таҳлилда янгиланиш ва олиб ташлаш коэффициентларини ҳисоблаш лозим.

А) Янгиланиш коэффициенти: $K_a = 1269,31 * 100 / 5393,71 = 23,5 \%$

Б) Олиб ташлаш коэффициенти $K_{от} = 24,61 * 100 / 4149,01 = 0,6 \%$

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатяптики, корхонада асосий фондларни янгилашга катта эътибор бериляпти. Яъни, корхонада асосий фондларнинг 23,5 % янгиланяпти. Бу эса корхонада хориждан янги техникалар олиб келинаётганидан далолат беради.

Йил давомида асосий воситалар таркибида ўзгаришлар рўй беради. Сотиб олинган ва қуриб битказилган объектларни ишга тушириш, модернизация ва реконструкция қилиш туфайли асосий воситалар сафи кенгайди.

Жисмоний ва маънавий эскириш туфайли уларнинг бир қисми сафдан чиқарилади.

Асосий воситаларнинг атмосфера шароитлари таъсирида ва улардан фойдаланиш жараёнида унинг моддий тузилишида ички ўзгаришлар (занглаш, чириш) содир бўлганда бошланғич ҳолати-нинг йўқолиши туфайли жисмоний эскириш рўй беради.

Жисмоний эскириш асосий воситалардан фойдаланиш жараёнида, улардан фойдаланилмаётган ҳолларда ҳам содир бўлади.

Асосий воситаларнинг маънавий эскириши, уларнинг техникавий тавсифи ҳамда иқтисодий самарадорлигининг давр талабидан орқада қолиши туфайли рўй беради.

Асосий фондларнинг техник ҳолати таҳлили

Жадвал № 2.3.2.

Асосий фондлар	йил бошида				йил охирида			
	Баланс қиймати	қолдик қиймати	эскириш қиймати	Эскириш даражаси %	Баланс қиймати	қолдик қиймати	эскириш қиймати	Эскириш даражаси %
Саноат ИЧ Ф	3856,3	3069,881	786,4187	20,4	5077,81	4037,31	1040,51	20,5
Ичдан ташқари АФ	292,71	225,2	67,51	23,1	315,90	246,30	69,60	22,0
Жами.	4149,01	3295,081	853,93	20,6	5393,71	4283,61	1110,11	20,6

Жадвалдан кўришиб турибдики, корхонада асосий фондларнинг техник ҳолатида ўзгаришлар рўй бермади. Яъни жами асосий фондларнинг йил бошидаги эскириш даражаси 20,6 % ни ташкил қилган бўлса-да, йил охирида ушбу кўрсаткич яна 20,6 % ни ташкил қилди.

Шу жумладан, саноат ишлаб чиқариш фондларининг эскириши йил охирида 20,4 ташкил қилди ва бу йил бошига нисбатан 0,1 %га эскирди.

Умуман қилиб олганда, корхона асосий фондларининг бошқа корхоналарга нисбатан яхши. Чунки кўпчилик ушбу тармоқ корхоналарининг эскириш даражаси 50 % атрофида.

Асосий воситаларнинг ҳар бир турини жами асосий воситаларда тутган улуши унинг структурасини ифодалайди. Структура ишлаб чиқаришнинг хусусияти, характери, ихтисослашув даражаси, технологиясига боғлиқ. Структурани таҳлил этишда асосий воситалардаги актив ва пасив қисмларнинг нисбатига эътибор қаратилади. Ишлаб чиқариш ҳажми асосий воситаларнинг актив қисмига кўп жиҳатдан боғлиқ. Уларнинг пасив қисми эса ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқликка эга эмас, улар фақат ишлаб чиқариш учун шароит яратади, холос.

Асосий фондлар тузилишининг таҳлили

Жадвал № 2.3.3.

Асосий фондлар	Йил бошида		Йил охирида		Фарқи	
	Млн сум	улуши %	Млн сум	улуши %	Млн сум	%
Бинолар	556,3	13,4	583,2	10,8	26,9	2,60
Иншоотлар	184	4,4	184,2	3,4	0,2	1,02
Утказувчи курилмалар	366	8,8	380,1	7,0	14,1	1,77
Машина ва дастгоҳлар	2660	64,1	3642,2	67,5	982,2	3,42
транспорт воситалари	240	5,8	249,3	4,6	9,3	1,16
Бошка асосий фондлар	142,71	3,44	354,71	6,6	212,00	3,14
Жами	4149,01	100,00	5393,71	100,00	1244,70	

Жадвалдан кўришиб турибдики, корхонада асосий фондларнинг тузилишида ижобий ҳолат рўй берди. Яъни, асосий фондларнинг фаол қисмининг солиштирама вазни йил бошига нисбатан кўпайди, машина дастгоҳларнинг қиймати йил охирида йил бошига нисбатан 982,2 млн.сўмга, солиштирама вазни эса 3,42 % га кўпайди. Асосий фондларнинг пасив қисми эса 5,3 % га камайди.

Умуман қилиб олганда, таҳлил қилинаётган йилларда асосий фондларнинг тузилишида ижобий ўзгариш рўй берди.

Фирма, компания ва корхоналар асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиши туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи пасаяди, фойда ва рентабеллик ошишига эришилади. Хўжалик юритувчи

субъектлар ишлаб чиқаришга замонавий ускуналарни мунтазам киритиш асосида модернизациялашни таъминласа, янги техника ишлаб чиқаришга жорий этилган пайдан бошлаб, қуйидаги қўшимча имтиёзларга ҳам эга бўладилар:

– ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объектини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида уч йил мобайнида фойдадан олинмаган солиқ базаси тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағлари фойдаланиш шартини билан камайтирилади;

– ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилади.

Асосий фондлардан фойдаланиш таҳлили

Жадвал № 2.3.4.

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	фарқи	ўсиш даражаси %
Товар маҳсулот млн сум	7120,3	8230,3	1110,0	115,6
Асосий фондларнинг уртача йиллик қиймати млн с	3456,60	4771,36	1314,8	138,0
Машина ва дастгоҳлар	2394	3241,558	847,6	135,4
Афларнинг фонд самараси	2,06	1,72	-0,33	83,7
Машина ва дастгоҳларнинг самараси сум	2,97	2,54	-0,44	85,4

Жадвалдан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган корхонада асосий фондлардан самарали фойдаланишга эришилмади. Яъни асосий фондларнинг фонд самараси ўтган йилга нисбатан 0,33 сўмга ёки 16,3 % га камайди. Шу жумладан, машина ва дастгоҳларнинг фонд самараси эса таҳлил қилинаётган йилларда 0,44 сўмга ёки 14,6%га камайди.

Умуман қилиб олинганда, таҳлил қилинаётган йилларда асосий фондлардан фойдаланиш даражаси жуда паст.

Ушбу таҳлилда товар маҳсулотнинг ўзгаришига асосий фондлар ва фонд самарасининг таъсирини аниқлаш лозим:

А) Товар маҳсулот ҳажмига асосий фондлар қийматининг ўзгаришининг таъсири:

$$1314,8 \times 2,06 = 2708,29 \text{ млн.сўм}$$

Демак, асосий фондларнинг ўзгариши ҳисобига товар маҳсулот 2708,29 млн.сўмга кўпайди.

Б) Товар маҳсулотнинг ўзгаришига фонд самараси ўзгаришининг таъсири:

$$0,33 \times 4771,36 = -1598,3 \text{ млн сум}$$

Демак, фонд самараси ўзгариши ҳисобига товар маҳсулот 1598,3 млн.сўмга камайди.

Умумий таъсирни ҳисоблаймиз:

$$+2708,29 - 1598,3 = +1110 \text{ млн.сўм}$$

2.4. Корхонага инвестицияларни жалб қилиш, уларнинг молиялаштириш манбаи таҳлили

Корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш корхонага инвестицион лойиҳаларни жалб қилишни талаб қилади. Ҳозирги вақтда корхонага инвестицияларни жалб қилишда турли молиялаштириш манбаларидан фойдаланилмоқда. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида корхоналар олдида турган асосий мақсадлардан бири – бозорга олиб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат. Шунинг учун, ушбу корхонада келажакда инвестициялар корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини оширишга ва ассортиментини кенгайтиришга йўналтирилса мақсадга мувофиқдир.

“Delux Fabric” МЧЖ да инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари

Жадвал № 2.4.1.

Кўрсаткичлар	2014 йил		2015 йил		2016 йил		фарқи
	Млн.сўм	%	Млн.сўм	%	Млн.сўм	%	
Корхона маблағлари	53,3	23,8	292,0	32,7	114,5	8,7	-15,1
Қисқа муддатли банк кредитлари	50,0	22,4	75,0	8,4	420,0	31,9	9,6
Узоқ муддатли банк кредитлари	120,3	53,8	526,3	58,9	780,3	59,3	5,5
Жами	223,6	100,0	893,3	100,0	1314,8	100,0	0,0

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, “Delux Fabric” МЧЖ да корхонанинг ўз маблағлари 2016 йилда 2014 йилга нисбатан кўпайган бўлса, 2016 йилда 2015 йилга нисбатан камайган. Шу сабабдан ҳам, корхонага 2016 йилда қисқа ва узоқ муддатли банк кредитлари жалб қилинган.

2.5. “Delux Fabric” МЧЖ нинг SWOT таҳлили ва корхонага жалб қилинган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўллари

Инвестицияларни жалб қилиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда асосан корxonанинг кучли ва кучсиз томонларини ҳамда корxonанинг имкониятлари ва хавф-хатарларини таҳлил қилиш зарур. Шу мақсадда SWOT таҳлилидан фойдаланган ҳолда “Delux Fabric” МЧЖ нинг кучли ва кучсиз ҳамда имкониятлари ва хавф-хатарларини таҳлил қиламиз.

“Delux Fabric” МЧЖнинг иқтисодий ҳолати олинган маълумотлар асосида таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида корхонада иқтисодий кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгарганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, корхона товар маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилларга нисбатан кўпайган. Баланс фойда ва соф фойда ҳам ўтган йилларга нисбатан ошган. Натурал ифодада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кўпайган. Бунинг асосий сабаби корхонага жалб қилинган узоқ ва қисқа муддатли банк кредитларидан унумли фойдаланганликдир.

Корхона олдида турган асосий муаммолардан бири бу рақобатдаги позициядир. Ҳозирги кунда корxonанинг ривожланишига катта эътибор берилиши тўқимачилик соҳасида ҳам кичик корxonаларнинг кўпайиб кетишига олиб келди. Бу “Delux Fabric” МЧЖнинг рақобатдаги мавқеини мураккаблаштириб юборади. Шунинг билан биргаликда, бозорларда чет элдан, яъни МДХ давлатларидан маҳсулотларнинг киритилиши ва аҳоли кўпроқ четдан келтирилган тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотларига талаби кўп бўлганлиги туфайли корхона маҳсулотларининг сотилишига тўсқинлик қилувчи омил бўлиши мумкин. Шунинг учун корхона ишлаб чиқарган маҳсулотларини реализация қилиши учун жойлардаги савдо шахобчалари билан шартнома тузган ҳолда маҳсулотларини реализация қилиши зарур.

Корхонага инвестицияларни жалб қилишнинг яна бир омили кўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ва ассортиментини кенгайтириш бўлиб ҳисобланади. “Delux Fabric” МЧЖ да ҳам кўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва

ассортиментни кенгайтиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, киритилган инвестициялардан самарали фойдаланилмоқда.

Корхонанинг имкониятларини оширувчи яна бир омил бу -қўлланиладиган хом ашёдир. “Delux Fabric” МЧЖда қўлланиладиган хом ашёнинг сифатини оширувчи кўрсаткич бу сифатли калава ипларидир.

“Delux Fabric” МЧЖнинг бозор имкониятларини фаоллаштириш йўлларида бири – бу маҳсулот харидорлигини оширишдир. Маҳсулот харидорлигини ошириш учун маҳсулот дизайнига эътибор бериш лозим. Бугунги кунда маҳсулотнинг сифати билан бир қаторда унинг харидор учун қулайлигини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. “Delux Fabric” МЧЖ ўз маҳсулотларини чиройли қилиб қадоклаб, унинг ташқи кўринишини яхшиласа, бу маҳсулотларнинг харидорлиги ошади.

Корхона ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг сотилишини таъминлаш учун маркетинг хизматларини ривожлантириш керак. “Delux Fabric” МЧЖни бошқарув тизимини такомиллаштириш учун бошқарув жараёнида илғор ахборот технологияларидан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, корхонанинг ички имкониятлари, хавф-хатарлари, кучли ва кучсиз томонларини аниқлаймиз. Бунинг учун таҳлилнинг SWOT усулидан фойдаланамиз.

“Delux Fabric” МЧЖнинг SWOT таҳлили

Имкониятлар		Хавф-хатарлар	
1	Тармоқнинг Республикада етакчи тармоқлардан бирига айланганлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чоратadbирлари Дастури тўғрисида”ги 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сонли Қарорнинг қабул қилинганлиги	1	Хорижий, хусусий ва кичик корхоналарнинг маҳсулотлари бозорларга кириб келаётгани
2	2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” Фармонининг қабул қилинганлиги.	2	Технологияларнинг кун сайин такомиллашаётганлиги.
3	Чет эл корхоналари билан бевосита алоқалар олиб бориш имкониятининг пайдо бўлганлиги	3	Аҳолининг корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан маълумоти йўқлиги
4	Аҳоли зич жойлашган ҳудудда жойлашганлиги.	4	Ип-калаванинг сифатсиз ишлаб чиқарилиши
5	Ип-калава, текстил саноати бўйича мамлакатимизда чет эл билан ҳамкорлик қилиш имкониятларининг пайдо бўлаётганлиги, бу борадаги ишлар давлат сиёсати даражасига чиқганлиги	5	Ракобатнинг аста-секинлик билан кучайиб бориши.
6	Инвестиция киритишга имконият мавжудлиги	6	Корхонада бизнес жараёнлар реинжиниринги утказилмаганлиги.
7.	Корхонада инвестиция бўлимини ташкил этишда имконият мавжудлиги	7	Корхонанинг савдо шахобчалари йўқлиги
8.	Корхонада инновация бўлимини ташкил этиш имконияти мавжудлиги, бунда: <ul style="list-style-type: none"> ✓ текстил саноати бўйича пайдо бўлаётган янги технологияларни ўрганиб бориш; ✓ корхонада техника ва технологиялардаги камчиликларни бартараф қилиш бўйича илмий тадқиқот институтлари билан шартномалар тузиш; ✓ янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича илмий тадқиқот институтлари (шу жумладан хорижий) билан ҳамкорлик ишларини ташкил этиш; ✓ бугунги кунда инновация давлат 	8	Кучли мутахассисларнинг йўқлиги

	сиёсати даражасига чиқганлиги ва инноваторларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши; ✓ янги маҳсулотлар яратиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.		
9	Янги турдаги режалар қўлланилиши.		
Кучли томонлари		Кучсиз, заиф томонлари	
1	Корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш яхши йўлга куйилганлиги.	1	Маҳсулотнинг хориж маҳсулотлари каби эмаслиги.
2	Корхона қувватларининг юқорилиги	2	Ишлаб чиқариш қувватидан тулик фойдалана олмаётганлиги.
		3	Маҳсулотга дизайн ишлови берилмаслиги.
		4	Маркетинг стратегиясидан фойдаланмаслик
		5	Чет эл корхоналари билан алоканинг яхши йўлга куйилмаганлиги.
		6.	Корхонада маркетинг ва реклама хизматларининг яхши йўлга куйилмаганлиги.
		7	Корхонанинг аниқ миссияси, тактикаси ва стратегияси ишлаб чиқилмаганлиги.

Умуман хулоса қилиб айтиш мумкин, “Deluxe Fabric” МЧЖга инвестицияларни жалб қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш имкониятлари катта.

3.1. Саноат корхоналарининг инвестиция фаолиятини кучайтириш

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши унинг инвестиция сиёсатига боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шаклланиши ҳуқуқий, молиявий ва институционал такомиллашиши асосида халқаро инвестицион ҳамкорлик жараёнида Ўзбекистоннинг бевосита иштирокини талаб этади. Мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Инвестицион стратегиянинг асосий мақсади - давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми сифатида мамлакат жами хўжалик мажмуини ривожлантириш ва стабиллаштиришни таъминлашдир. Инвестиция ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг бир томонлама ривожланишига қатъий барҳам бериб, кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш фаол инвестиция сиёсати юритишни тақозо этади.

Инвестиция сиёсатини амалга оширишда инвестицион жараён қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб бериш, мамлакатда инвесторлар учун тўлақонли рақобатни таъминлаш, молиявий, моддий ва ақлий бойликларни бошқаришда батамом эркин ҳаракат қилиши учун тегишли инвестицион муҳит ва кафолатлар яратиш ҳамда бошқа шу каби бозор муносабатларининг асосий унсурларидан фойдаланиш талаб этилади.

Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация этиш, иқтисодиёт тармоқларининг рақобатдошлигини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг экспортдаги ҳажмини кенгайтиришга қаратилган инвестиция фаолиятини тартибга солувчи 50 дан ортиқ ҳуқуқий-ҳужжат қабул қилинди, жумладан, “Концессиялар тўғрисида”ги, “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 30.04.1998 йилдаги Қонуни; “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунлар айти шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги глобаллашув шароитида, бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, жаҳонда инвестициялар учун қатъий кескин кураш давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, маблағларни энг устувор йўналишларда ҳамда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойилларидир¹⁰.

Маълумки, Ўзбекистон ёғ-мой саноатини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга давлатлар жумласига киради. Республика ёғ-мой саноатининг инвестицияларга бўлган эҳтиёжи юқори. Шу жиҳатдан тармоққа инвестицияларни жалб қилиш миллий иқтисодиёт ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бугунги кунда ёғ-мой саноати корхоналарининг ривожланишида хорижий инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир.

Маҳаллий корхоналар ишлаб чиқариш техника ва технологиясининг замон талаби даражасида эмаслиги ва уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифат нуқтаи-назаридан талабга жавоб бермаслиги тармоққа турли кўринишдаги хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва илғор техника-технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу нуқтаи-назардан, ёғ-мой саноати корхоналарига Швецария, Олмония, Чехия, Польша, Италия, Франция, Россия давлатларидан инвестициялар жалб этилди ва шу йўналишда талайгина ишлар режалаштирилиб, инвесторларга нисбатан қонуний заминлар яратилди.

Бугунги кунда мамлакатда иқтисодий ўсишни жадаллаштириш ва республикада мавжуд бўлган маблағ етишмовчилигини бартараф этиш учун инвестиция ҳажмини кескин кўпайтириш, инвестиция манбаларини топиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш талаб этилади. Шу мақсадда,

¹⁰ Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 86-б.

инвестицион жараёни тартибга солишнинг мақбул механизмини танлаш; ўз ресурслари ва капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаларининг оқилона нисбатини аниқлаш; хорижий ҳамкорлар билан алоқа ўрнатиш ва уларнинг маблағларини мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш; капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш борасида муваффақиятларга эришиш лозим бўлади.

Маълумки, инвестиция жараёнини такомиллаштиришда молия тизими муҳим ўрин тутди. Бу тизим замонавий бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлар билан ишлашнинг асосий ва барқарор воситаси ҳисобланади. Молиявий тизим ишлаб чиқариш ихтисослашувининг жадал суръатлар билан ривожланишига, молиявий активларнинг тезда пулга айланиши ва таваккалчилик хусусиятлари билан молиявий шаклдаги жамғарма миқдорини кўпайтиришга имконият яратади. Унинг ривожланиши эса, инвестициялашнинг ички имкониятини кенгайтиради ва иқтисодий ўсишни таъминлайди. Молиявий тизим асослари ишлаб чиқариш субъектлари ва молиявий муассасаларнинг иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шу каби муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳамда уларга оғир тушмайдиган солиқ тизимларини шакллантириш орқали яратилади.

Бугунги кунда молиявий бозорларнинг динамик сектори жамоавий инвестициялашнинг турли шакллари ҳисобланади. Кенг тарқалган ва истиқболли жамоавий инвестициялаш шакли турли инвестицион фондлардир. Инвестицион жараён ўзининг ривожланишида бир қатор босқичларни босиб ўтади. Меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблашуви, инвестицион товарлар янги турларининг пайдо бўлиши жараёнида қимматли қоғозлар инвестицион бозорда асосий ролни эгаллайди. Шу билан қимматли қоғозлар инвестицион товарларнинг потенциал шакли кўринишига эга бўлади.

Инвестицияларни молиялаштиришда маблағларини акциядорлик капитали бозорига жалб этиш ҳамда хусусий бизнеснинг, банк ва суғурта компаниялари ташкил этган махсус фирмаларнинг қўшма инвестициялари муҳим аҳамият касб этади. Бу манбалар иқтисодиётнинг мунтазам ривожланиб бориши ҳамда инвестициялашда маблағлардан тўғри фойдаланиш имконини беради.

Инвестицияларни жалб этиш фаолиятига молиявий таъсир кўрсатувчи омилларнинг яна бири тезлаштирилган *амортизация усулини қўллашдир*. Ушбу амортизация ажратмалари асосий воситаларни тўлиқ янгилаш учун хизмат қилиши зарур. Шунингдек, инвестициялашни жадаллаштиришнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган инвестиция манбалари ичида четдан жалб этилган маблағлар, жумладан, кредитлар, айниқса, чет эл кредитлари муҳим ўрин тутди.

Ҳозирги кунда мамлакат корхоналарини етарли даражада кредит ресурслари билан таъминлаш учун маҳаллий кредит линияларининг имкониятлари чекланган бўлса, хорижий кредит линиялари томонидан киритилаётган кредитлар ҳажми етарли эмас. Шунинг учун корхоналарнинг иқтисодий-молиявий салоҳияти чекланган бугунги шароитда марказлашган кредитлар иқтисодиётнинг тегишли тармоқларини инвестициялашни жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бизнингча, ёғ-мой саноати корхоналарини инвестициялашни жадаллаштириш мақсадида аҳолининг бўш пул маблағларини, корхона ходимларининг пул маблағларини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бўш турган маблағлари ҳисобидан махсус фонд ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур фонд тармоқ корхоналарини имтиёзли кредитлар билан таъминлашни ўз зиммасига олиши лозим бўлади. Айниқса, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида уларга ажратиладиган кредитларнинг имтиёзи юқори бўлиши керак. Бериладиган кредитлар фоиз ставкасининг корхоналар иш фаолияти йўналишига қараб табақаланиши тармоқда кредит муносабатларининг ривожланишига, корхоналар иш фаолиятининг барқарорлашувига, айниқса, экспорт қилинаётган маҳсулотлар миқдорининг кўпайишига ва натижада, корхоналар фойдасининг кескин ортиши ва тўлов қобилиятининг ошишига замин яратади.

Маълумки, корхона ва ташкилотларни кредитлаш кўп жиҳатдан кредитлаш объектига, берилаётган қарзнинг турига, қарз олувчининг уни қайтара олш қобилиятига, таваккалчилик ва хавф даражасига боғлиқ. Шунингдек, кредитлашни ташкил этиш усулларига муайян иқтисодий шароитлар, кредит

муассасасининг жамият тараққийетининг маълум босқичида ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари каби омиллар таъсир этади. Кредитлашни амалга ошириш объектив табиий-иқтисодий қонуниятларга асосланиши лозим. Маълум турдаги кредитлаш тартибини танлаш корхона ва ташкилотларнинг айланма маблағларини уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ўз ўрнига кўра жойлаштирилишига боғлиқ. Фақат ушбу объектив жараёнлар ҳисобга олингандагина кредитлаш мақсадларини таъминловчи самарали тизим тузиш мумкин бўлади. Бундан ташқари кредитлашни ташкил этиш ва режалаштириш жараёни корхоналарни кредитлашнинг замонавий тажрибасини мужассамлаштиргани ҳолда, кредит муассасасининг ҳам, қарз олувчининг ҳам манфаатларини ҳисобга олиши лозим. Ушбу хусусиятларни ўзида мужассам этган қулай кредит тизимининг фаолият юритиши эса тадбиркор ва инвестор учун ўзларига мақбул бўлган йўлни танлашга шароит яратади. Бу эса инвестициялаш жараёнининг маълум даражада жадаллашувига замин яратади. Шу билан бирга иқтисодиётнинг барча тармоқлари, хусусан ёғ-мой саноатига инвестициялар жалб этишни фаоллаштиришни жаҳон талабларига мувофиқ келадиган ва миллий хусусиятларни ўзида мужассам этган инвестицион дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқиш орқали амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун бир қатор қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Буларга: хорижий инвестицияларни жалб этишнинг умумий ва аниқ дастурини ишлаб чиқиш; инвестицияларни рағбатлантириш; инвесторларнинг эркин ва тўлиқ ахборотга эга бўлишини таъминлаш; инвесторларни топиб берувчи дилерлик фирмаларини очиш; инновацияга инвестицияларни рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш.

Маълумки, инвестицион қўйилмалар мамалакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларига бевосита таъсир кўрсатади, корхоналарнинг ишлаб-чиқариш-техник базасини мустаҳкамлайди, янги иш ўринлари яратилиши орқали алоҳини иш билан таъминлаш ошади.

Хорижий инвесторлар учун инвестицион муҳитни оптималлаштириш мақсадида такомиллашган молия-кредит ва солиқ тизимини жорий этиш зарур.

Республикада инвестицион муҳитни такомиллаштиришнинг асосий микроинструментлари бўлиб солиқлар, кредитлар, амортизация ажратмалари, дотациялар, алоҳида корхоналар учун субсидиялар ва нарх сиёсати хизмат қилади. Давлат томонидан молиявий таъсир этишнинг муҳим томони – бу солиқ сиёсатидир. Солиқларни такомиллаштириш ва эркинлаштириш, солиққа тортишни қисқартириш ва солиқ имтиёзларини самарали қўллаш корхоналарда асосий фондларнинг айланишини тезлаштиришга мослаштиради, минтақавий хорижий инвестициялар тақсимланишини рағбатлантиради, халқаро инвестицион бозорларда рақобатни кучайтиришга хизмат қилади.

3.2. “Delux Fabric” МЧЖ га инвестицияларни жалб қилишни оширишнинг асосий йўллари бўйича таклифлар

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида корхоналарда маҳсулот сифатини ошириш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш ишлаб чиқаришига фан, техника ютуқлари ва илғор техникаларни жорий қилишни талаб қилади.

Бу соҳада корхонанинг имкониятлари жуда катта. Яъни, масалан корхонада ишлаб чиқарилётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлар жаҳон андозоларига жавоб бермайди, маҳсулотларнинг чиқишини кўпайтириш бўйича ҳам ката имкониятлар мавжуд.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда биз “DELUX FABRIC” МЧЖда «Инновация» гуруҳини ташкил қилишни таклиф этамиз. Бу гуруҳнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

1. Тармоқларда пайдо бўлаётган янги технологияларни ўрганиб бориш.
2. Корхонада техника ва технологиялардаги камчиликларни бартараф қилиш бўйича илмий тадқиқот институтлари билан шартномалар тузиш.
3. Янги маҳсулотларга ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш бўйича илмий тадқиқот институтлари (шу жумладан хориж) билан ҳамкорлик ишларни ташкил этиш.

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш, ушбу фаолиятни давлат томонидан мотивлаштиришни талаб қилмоқда.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ва республикамиз миллий иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инновацион фаолиятни мотивлаштиришнинг қуйидаги йўллари таклиф этамиз:

1. Соф фойданинг инвестиция учун йўналтирилган қисмини фойда имтиёзи солиққа тортиш. Ушбу таклиф корхоналарнинг фойда учун тўлайдиган солиғини дастлабки даврларда камайтирсада, кейинчалик инновацион фаолият натижасида олинадиган қўшимча фойда орқали олдин тўланмаган фоизларни қоплаб кетади. Бундан ташқари, ушбу тадбир

натижасида, кўпчилик ҳолларда кўшимча иш жойлари ташкил этилади ва бу эса катта ижтимоий самарага эга.

2. Тезлаштирилган амортизация ажратмасини жорий қилиш. Маълумки, корхоналарда инвестициянинг асосий манбаиларидан бири-бу амортизация ажратмасидир. Ушбу таклифга асосан корхоналарга амортизация ажратмаси нормаларини кўпайтиришга рухсат берилиши лозим. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириладиган амортизация ажратмаси улушини кўпайтиради. Бу эса ўз навбатида корхонада мавжуд машина ва дастгоҳларни қисқа даврларда янги, замонавий техникалар билан алмаштиришга имкон яратади.

3. Инвестицион лойиҳаларни жорий қилиш натижасида ишлаб чиқараладиган маҳсулотни солиққа тортишда имтиёзлар бериш лозим. Ҳозирги даврда инновацион лойиҳаларни жорий қилиш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари доимий павишда ишлаб чиқарилётган маҳсулотларнинг таннархига нисбатан юқори бўлади. Бу эса корхоналарнинг керакли миқдорда фойда олишини таъминламайди., шунинг учун, инновацион фаолият натижасида олинadиган фойдага 1-2 йил фойда солиғи олинмаса корхоналарни янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қизиқтирар эди.

4. Хориждан олиб келинган машина ва дастгоҳларга мулк солиғи тўлашда имтиёзлар бериш. Чунки ҳозирги вақтда ушбу солиқ ставкаси 3,5 %ни ташкил қилади ва кўпчилик иқтисодиёт соҳасидаги олимларнинг фикрича жуда юқори.

5. Хорижий инвесторларга давлат томонидан кафолатни кучайтириш. Чунки ҳозирги вақтда хорижий молиявий институтлар умумий инвестициялар қарз олувчининг улуши камида 50 % бўлсагина кредит ажратади, аммо кўпчилик озиқ-овқат корхонасининг 50 %ни тўлаш имконияти йўқ. Шунинг учун озиқ-овқат саноатининг иқтисодиётдаги ўрни ҳисобга олиб хорижий инвесторларга давлат томонидан инвестицияларни қайтариб беришни кафолатлашни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ушбу таклифларни ишлаб чиқаришни, хўжалик ва молиявий фаолиятни бошқариш жараёнларига жорий қилса инвестицион фаолликни жадаллаштиришга ижобий таъсир қилади деган фикрдамиз.

Демак республикамиз олдида турган асосий вазифалардан бири-хорижий инвестрлар учун янада қулай ҳуқуқий, иқтисодий шарт шароитлар яратишдир.

Бизнинг фикримизча, иқтисодиётга чет эл инвестициясининг барча шакллари фаол жалб қилишда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларни бериш мақсадга мувофиқдир:

- ❖ мамлакатнинг ҳудудий ва тармоқ тизимини такомиллаштириш нуктаи назардан инвестициялашга таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштирган ҳолда қулай инвестицион муҳитни яратиш;

- ❖ гуруҳланган омиллар натижасида, нафақат, ҳудудларнинг балки барча микробосқичларда чет эл инвестициясини жалб этиш бўйича рейтинг кўрсаткичларини ҳисобга олиш;

- ❖ асосий капиталга инвестициялар миқдорида банк кредитлари салмоғини ошириш мақсадида бу борада белгиланган имтиёзларни қайта кўриб чиқиш;

- ❖ чет эл инвестициясини жалб этувчи хўжалик субъектларида мулк қийматидан тўланадиган имтиёзли солиқ ставкасини ўрнатиш орқали уларнинг мол-мулкини қисқа муддатда қайта баҳолашга қизиқтириш;

- ❖ чет эл инвестициясини жалб этувчи ҳамда шу асосда товар экспорт қилишни кўпайтирувчи корхоналар учун имтиёзларни кенгайтириш;

- ❖ инвестиция лойиҳаларини иқтисодиётнинг макро ва микро даражасидаги эҳтиёж ва имкониятларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқиш асосида Халқаро молия институтларининг республикамизда очган кредит линияларидан тўла-тўқис фойдаланишни таъминлаш;

- ❖ маҳаллий “масъул” муассасаларнинг чет эл инвестицияларини ҳудудларга жалб қилишдаги фаоллигини ошириш;

- ❖ чет эл инвестицияларини тез қарор қабул қилишлари учун ҳисоб ва ҳисобот тизими самарадорлигини ошириш каби қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарур.

“Delux fabric” МЧЖда инвестицияларни жалб қилишни оширишда қуйидаги тадбирларни таклиф этамиз: Корхонада биринчи навбатда, маҳсулот таннархини камайтириш зарур. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, “Delux fabric” МЧЖда маҳсулот таннархини камайтириш учун бўзда тайёр маҳсулот - газлама ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим. Чунки корхонада хом бўз ишлаб чиқарилади ва Хоразм вилоятида пардозланиб келтирилади. Бу эса ортиқча транспорт харажатларининг кўпайишига олиб келмоқда. Шунинг учун биз корхонага янги пардозлаш машиналари олиб келиб ўрнатиш натижасида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таклиф қиламиз. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишига ва унинг сифатини назорат қилишга ижобий таъсир кўрсатади. Тайёр газлама ишлаб чиқариш учун биз ушбу соҳанинг компаниялардан бир Stork (Голландия) машиналарини ўрнатишни таклиф қиламиз. Ушбу машиналарнинг баҳоси ва ишлаб чиқариш қуввати турлича. Биз корхонанинг бўз ишлаб чиқариш қувватига мос келадига Stork- 8 маркали машина ўрнатишни таклиф қиламиз. Ушбу машинанинг техник унумдорлиги соатига 540 п.м. газламани ташкил қилади. Ушбу машинанинг баҳоси 100 минг АҚШ доллари ташкил қилади. Миллий валюта эса 370 млн сўм

1.	Капитал харажатларни ҳисоблаш	740
1.1.	Машинани олиб келиш билан боғлиқ транспорт харажатлари машина нархининг 7 % ни ташкил қилади	370
	Ртр	25,9
1.2.	Эҳтиёт қисм учун харажатлар машина нархининг 5%ни ташкил қилади	
	Рэк	18,5
1.3.	Ўрнатиш харажатлари машина нархининг 8%ни ташкил қилади	
	Рўр	29,6
1.4.	Жами капитал харажатларни ҳисоблаймиз:	
	К	444 млн.сўм
2.	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва жорий харажатларни ҳисоблаш	

Тадбир ўтказишгача маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми

$$2.1.1. \text{ Қалин бўз} \quad \frac{340 \times 8 \times 50}{100} = 1360 \text{ м.п.м}$$

$$2.1.2. \text{ Юпқа бўз} \quad \frac{340 \times 8 \times 50}{100} = 1360 \text{ м.п.м}$$

2.2. Тадбир ўтказилгандан кейин маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми

$$2.2.1. \text{ Қалин газлама} \quad \frac{340 \times 9,44 \times 50}{100} = 1604,8 \text{ м.п.м}$$

$$2.2.2. \text{ Юпқа газлама} \quad \frac{340 \times 9,44 \times 50}{100} = 1604,8 \text{ м.п.м}$$

Товар маҳсулот ҳажмини ҳисоблаш

Жадвал №3.2.1.

Маҳсулот нави	Улгуржи баҳоси минг сўм	Тадбиргача		Тадбирдан кейин		Фарқи млн.сўм
		м.п.м.	млн.сўм	м.п.м.	млн.сўм	
Қалин бўз	3400	1360	4624	1604,8	5456,32	832,32
Юпқа бўз	3250	1360	4420	1604,8	5215,6	795,6
Қалин газлама	5200					
Юпқа газлама	5120					
Жами	3400	2720	9044	3209,6	10671,92	1627,92

2.3. Жорий харажатларни ҳисоблаш

2.3.1. Янги машинани ўрнатиш билан боғлиқ амортизация ажратмаси харажатлари амортизация ажратмаси машина баҳосининг 20% ташкил қилади:

$$\text{Аа} \quad \frac{1110 \times 20}{100} = 222 \text{ млн.сўм}$$

2.3.2. Қўшимча электро энергия харажатларини ҳисоблаймиз. 1КВт электро энергия тарифи 184 сўм машинанинг қуввати 12 КВт/соат

$$\text{Р.э.} \quad \frac{340 \times 16 \times 184}{1000} \times \frac{12}{1000} = 12,01 \text{ млн.сўм}$$

2.3.3. Янги машинани ўрнатиш қўшимча ҳар бир сменага икки ишчини

Жалб қилишни талаб қилади. Агар корхонада 2 сменали иш ташкил этилганлигини ҳисобга олсак, корхонага қўшимча 4 ишчи керак. 2016 йилда 1 ишчи ўртача 7800 минг сўм йиллик маош олган.

$$\text{Р и.х.} \quad \frac{7800 \times 4}{1000} = 31,2 \text{ млн.сўм}$$

2.3.4. Қўшимча ижтимоий суғурта ажратма харажатларини ҳисоблаймиз. Ижтимоий суғуртага ажратма иш ҳақи фондининг 25%ни ташкил этади.

$$\text{Р и.с.} \quad \frac{31,2 \times 25}{100} = 7,8 \text{ млн.сўм}$$

2.3.5. Газлама ишлаб иқариш билан боғлиқ моддий харажатларни ҳисоблаймиз. Корхонада олинган маълумотлар шуни кўрсатяптики, ўртаа 1п.м. газлама учун 1500 сўмлик краска ва бошқа кимёвий моддалар сарфланар экан. Ушбу маълумотлардан келиб чиққан ҳолда моддий харажатларни ҳисоблаймиз:

Р.м.х.	2720	1500	4080			
Жами жорий харажатларни ҳисоблаймиз:						
Жх	74	12,01	31,2	4080	7,8	4205,01 млн.сўм
Қўшимча олинadиган фойдани ҳисоблаймиз:						
Ф.к.	4991,2		4205,01		786,19	млн.сўм

3. Капитал харажатларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаймиз:

$$\text{Ис.} \quad \frac{\text{Ф.к.} \quad 786,19}{\text{К} \quad 444} = 1,77$$

4. Капитал харажатларни қоплаш муддатини ҳисоблаймиз:

$$\text{К.м.} \quad \frac{\text{К} \quad 444}{\text{Ф.к.} \quad 786,19} = 0,6 \text{ йил}$$

Демак, корхона сарфлаган капитал харажатларни 7 ой иида олинган фойда билан қоплайди.

Олинган натижаларни жадвалга киритамиз

**“Delux fabric” МЧЖнинг тадбирдан олдинги ва кейинги техник
иқтисодий кўрсаткичлари**

Жадвал №3.2.2.

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Тадбирдан олдин	Тадбирдан кейин	Фарқи
1.	Товар махсулот:				
	А) Солиштирма баҳоларда	млн.сум	8526,50	13517,7	4991,2
	Б)Харакатдаги баҳоларда	млн.сум	8230,30	13221,5	4991,2
2.	Натурал ифодада махсулот хажми				
	Бўз	м.п.м.	2681,60		-2661,6
	Газлама	м.п.м.		2720	2720
	шу жумладан ишчилар.	киши	123	129	6
3	Махсулот сотишдан соф тушум	млн.сум	8166,02	13157,2	4991,2
4.	Иш хаки фонди	минг сум	886455	917655,0	31200
5	Мехнат унумдорлиги	минг сум	56466,9	86100,0	29633,1
6	Уртача иш хаки	минг сум	5870,6	5844,9	-25,6
7	И/Ч ва сотиш харажатлари	млн.сум	7125,01	11330,0	4205,0
8	1 сўмлик ТМ харажатлари.	тийин	86,57	85,7	-0,88
9	Баланс фойда	минг сум	804834,5	1591023,0	786188,5
10	Асосий фондларнинг уртача кийм.	млн.сум	4771,36	5215,4	444
11	Капитал харажатлар	млн.сум		444	
12	Капитал харажатларни коплаш муддати	йил		0,6	

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тўғрисида умумий тушунчалар

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги - инсонни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган фаолиятда унинг атроф-муҳитга антропологик таъсирини ҳисобга олган ҳолда хавфсизлигини таъминловчи билимлар тизимини тушунамиз. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳар қандай йўналиш буйича ўзини изланиш объектига мақсад ва вазифасига ҳамда методологик йўлига боғлиқ. Хавфсизлик деганда биз инсон ҳаёт фаолияти давомида мавжуд бўлган салбий омилларни таъсир эҳтимолини маълум даражада ёки буткул бартараф қилинганини тушунамиз.

Бугунги кунда энг аввалло талабаларга – бизнинг келажагимиз пойдеворларига, ўсиб келаётган кадрларга хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, саноат техника хавфсизлиги, унинг тамойиллари, унинг усулларини, яратувчанлик, мустақил фикрлаш малака ва кўникмаларни ривожлантириб, шакллантириш бугунги ҳаёт талаби бўлмоқда. Ёш кадрларда бундай малака ва кўникмаларни ошириш – бугун иқтисодиёт корхоналарида техника хавфсизлиги чора тадбирларни қўллаши ёки тадбиқ қилиши долзарб масала эканидан далолат беради.

Жамият ва табиат асоси, уни ўз фаолияти билан ривожлантирувчи ва бошқарувчиси инсон эканлигини эътиборга олиб, унинг ҳаёт фаолиятини яхшилаш, эъзозлаш – тараққиёт йўлидаги муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан фуқароларимизнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли салбий таъсирлардан сақлаш, ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёт этиб, муҳофаза этиш асосий эзгу мақсадимиз қилиб олинган.

Шунинг учун, малакали кадрларни тайёрлашда таълим мазмунини инсон ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш ғояси билан тўлдириб, талабалар онгига сингдириш ва бу борада таълим-тарбия, тарғиботнинг замонавий усулларидан самарали фойдаланиш лозим бўлади.

Ишлаб чиқариш муҳитининг метеорологик шароитлари

Ишлаб чиқариш муҳитининг, жумладан, бино, уйларнинг метеорологик шароитлари ёки микроклим тушунчасига ҳаво ҳарорати, унинг намлиги ва ҳаракатчанлиги, босими, шу билан бирга қизиқ кетган асбоб ускуна, ишланадиган материал ва буюмлардан ажралиб чиққан инфрақизил ҳамда ультрабинафша нурлар киради.

Ишлаб чиқариш муҳитининг микро-иклимга иккита асосий ички ва ташқи сабаблар боғлиқ бўлади. Ички сабаблар нисбатан доимий характерга эга бўлиб, ишлаб чиқариш технологиясига, қўлланадиган асбоб-ускуналарга ва санитария-техникавий қурилмаларга боғлиқ бўлади. Ички сабабларнинг таъсир кучи қўлланиладиган асбоб-ускуналарнинг қувватига ва санитария-техникавий қурилмаларнинг сифатига боғлиқ бўлади. Ташқи сабаблар ўзгарувчан характерга эга бўлиб, йил фасллари, об-ҳавога, кеча ва кундузга боғлиқ бўлади. Ташқи сабабларнинг таъсир кучи биноларнинг деворга, томига, қандай материалдан қурилганига, ромларнинг бор йўқлигига ва уларнинг йўқлигига ва уларнинг сифатига боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш биноларнинг иссиқлик режими, бино ичига тушиб турган кўш нурларидан ажралиб чиқадиган иссиқликдан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш биноларидаги ажралиб чиқадиган иссиқликнинг бир қисми очик жойлардан ташқарига чиқиб кетади, қолган иккинчи бир қисми аниқ иссиқлик бино ҳавосини қизишига сабабчи бўлади.

Ишлаб чиқариш биноларининг лойихалаштириш санитария нормаларига (СН 245-71) асосан, ишлаб чиқариш биноларини аниқ иссиқлик ажралиб чиқишига қараб иккига бўлинади: иссиқ ишлаб чиқариш биноларида аниқ иссиқлик ажралиб чиқиши 20 ккал м соатдан кўп дейилади ва совуқ(нормал) ишлаб чиқариш бинолари, қачонки аниқ иссиқлик ажралиб чиқиши 20 ккал м/соатдан ошмайди.

Ишлаб чиқариш биноларида ҳаво иссиқ жисмларга тегиши натижасида исийди, енгиллашади ва юқорига кўтарилади, ўнинг ўрнини эса ундан сал оғирроқ совуқ ҳаво эгаллайди, ўз навбатида у ҳам иссиқ жисмларга тегиб

исийди ва юқорига кўтарилади. Шундай қилиб ҳавонинг доимий ҳаракатда бўлгани учун фақат иссиқ жисмлар атрофидаги ҳаво иссиб қолмасдан ишлаб чиқариш биноларининг ҳамма еридаги ҳаво исийди. Бундай иссиқлик узатилиши конвекцион иссиқлик узатилиши йўли дейилади.

Йўл – йўриқлар ўтказиш ва ишчиларни хавфсиз ишлаш усуллариغا ўргатиш

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва саноат корхоналарида касб касалликлари ва жароҳатланишга олиб келадиган омиларни бутунлай йўқотиш саноат корхоналари раҳбарлари олдига қўйилган асосий вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги замон фан ва техникасининг ўсиши янгидан янги технология ва машина-механизмларнинг жорий этилиши, ишлаб чиқаришда ишлаётган ҳар бир ходимнинг юқори малакали, техника қонунларини тушунадиган ва унга амал қиладиган бўлимларини талаб қилади. Ҳозирги вақтда ишчилар хавфсизлигини таъминлаш борасида қанчадан-қанча тавсияномалар, қоида ва нормалар ишлаб чиқилган бўлишига қарамасдан саноат корхоналарида бахтсиз ҳодисаларнинг бутунлай йўқолиб кетишини таъминловчи шароит мавжуд эмас.

Бундан ташқари саноат корхоналарининг хилма-хиллиги, ҳаттоки маълум бир корхонада ҳам иш шароити бир-бирига ўхшаш иккита цехни топиш амри маҳол эканлиги, умумий саноат корхоналари хавфсизлигини таъминловчи, тартибга солинган рецепт ишлаб чиқариш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳар бир саноат корхонаси ўзи учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган инструктажлар системаси ташкил қилинган ва бу системалар ишчиларнинг хавфсизлигини таъминловчи иш усулларини ўргатиш билан ишчининг меҳнат хавфсизлигини сақлаш чоратадбирларини ҳам ўз ичига олади.

Йўл - йўриқларларни асосан тўрт груҳга бўлиб қараш мумкин: 1) кириш йўл - йўриқлари; 2) иш жойидаги йўл - йўриқлари; 3) вақти-вақти билан ўтказиладиган йўл – йўриқлар ва 4) режадан ташқари йўл - йўриқлар.

Саноат корхоналарининг ҳаммасида иш категорияси ва хавфли даражаси қандай бўлишига қарамай барча ишчи ва хизматчилар иш даври,

мутахассислиги ва малакасидан қатъий назар йўл - йўриқлардан ўтишлари шарт.

Кириш йўл - йўриқлари. Ишга янги кираётганлар учун ўтказилади. Бу инструктажнинг асосий мақсади ишга кираётган кишини меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси тўғрисида маълумот бериш, уни саноат корхонаси майдонлари ва цехларидаги тартиб-қоидалардан хабардор қилишдир. Кириш инструктажи яхши жиҳозланган ва кўргазмали қуроллар ўрнатилган меҳнатни муҳофаза қилиш кабинетида, хавфсизлик техникаси инженери томонидан ўтказилади.

Иш жойидаги йўл - йўриқлар. Ишга янги кирган, бир ишдан иккинчи ишга ўтказилган, бир машинадан иккинчи машинага, бир участкадан иккинчи участкага ўтказилган, агар бу ўтказишлар вақтинча бўлишидан қатъий назар иш жойидаги инструктаждан ўтказилиши шарт.

Йўл – йўриқлар ўтказаётганда аввало одатдаги иш шароитида ишчи ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида маълумот берилади. Лекин саноат корхоналарида баъзи бир ҳаддан ташқари ҳолатлар ҳам юз бериб қолиши мумкин. Масалан авария, ёнғин ва бошқа ҳолларда ишчи ўзини қандай тутиши, тез ҳаракат қилиши маҳим аҳамиятга эга.

Шунинг учун мана шундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида ҳам маълумот берилиши керак.

Иш жойидаги йўл - йўриқларни мастер ёки бригадир ўтказади.

Вақти-вақти билан ўтказиладиган йўл - йўриқлар. Бу йўл - йўриқларни ўтказиш вақтини фабрика, завод касабаси уюшмаси комитетлари билан келишган ҳолда, саноат корхонасининг раҳбари белгилайди. Бу йўл - йўриқларнинг мазмуни иш жойидаги йўл - йўриқларнинг мазмуни билан бир хил. Ўтказиладиган йўл – йўриқларнинг, кириш йўл - йўриқлари сингари ҳамма ишчилар иш стажи, малакаси, разрядидан қатъий назар ўтказилиши шарт.

Режадан ташқари йўл - йўриқлар. Бу йўл - йўриқлар технологик жараённинг ўзгариши, янги машина ва станоклар киритилиши ва янги материаллардан фойдаланиш натижасида иш шароитининг ўзгариши сабабли

ишчиларнинг хавфсизлигини сақлаш учун билимлари етишмаслиги сезилганда ўтказилиши мумкин.

Бундан ташқари бу йўл – йўриқларбаъзи бир ишчилар хавфли иш усулларидан фойдаланаётганлиги сезилса, меҳнат интизоми ёки хавфсизлик техникаси қоидалари бузилса ёки ишчи ишлаётган жойидан бирор-бир сабаб билан(масалан касаллик, отпуск)узилиш рўй берса, шунингдек иш жойларида касб касалликлари ва бахтсиз ҳодисалар юз берса ўтказилиши мумкин.

Шу саноат корхонасига ўхшаш корхонада авария сабабли бахтсиз ҳодиса рўй берганлиги ҳақида хабар эшитилгандан кейин ҳам, режадан ташқари инструктаж ўтказилади.

Кундалик йўл - йўриқлар. Наряд-допуск билан бажариладиган хавфли ишлар учун иш бошлашдан олдин ўтказилади. Бу йўл – йўриқларўтказилганлиги ҳақидаги маълумот наряд-допускка ёзиб қўйилади.

Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш

Саноат корхоналарида хавфсизлик техникаси, саноат санитарияси ва ёнғин хавфсизлиги қоида, норма ва тавсияномаларига риоя қилмаслик ишчиларни жароҳатланишга, заҳарланишга ва касб касалликларига олиб келиши мумкин.

Инсон танасининг тери ёки айрим қисмлари ташқи механик, химик, иссиқлик ва электр таъсирида натижасида шикастланса, буни жароҳатланиш деб аталади. Жароҳатланишга урилиш натижасида лат ейиш, кесилиш, суюқ синиши ва сиқиши, химиявий ёки иссиқликдан куйиш, иссиқ уриши, совуқ уриши, ўткир заҳарланиш ва электр токи таъсирида организмнинг баъзи қисмларида ҳаёт фаолиятининг бузилиши киради. Жароҳатланиш тушунчасини бахтсиз ҳодиса деб ҳам юритилади.

Жароҳатланиш уч турга бўлиб қаралади. Биринчиси ишлаб чиқаришда, иш жойида жароҳатланиш, иккинчиси иш билан боғланган лекин ишлаб чиқариш билан боғланмаган жароҳатланиш ва учинчиси ишлаб чиқариш ва иш билан боғланмаган жароҳатланиш.

Ишлаб чиқаришда, иш жойларида олинган жароҳатланишга, ишчи маъмурият томонидан буюрилган ишни бажариш брасида иш жойида цехда,

завод худудида юк ортиш ва юк тушириш ёки баъзи юкларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш вақтида олган жароҳатланишлар киради.

Иккинчи тур жароҳатланишга ишга бориб-келиш вақтида транспорт воситаларида, командировка вақтида, ёки корхона маъмуриятнинг топшириғига мавофиқ ишлаб чиқариш худудидан ташқаридаги баъзи бир ишларни бажарганда олинган жароҳатланишлар киради.

Учиничи тур жароҳатланишга маст бўлиш натижасида олинган жароҳатлар, давлат мулкани ўғирлаш ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлардаги жароҳатланишлар киради.

Бахтсиз ҳодисаларни турларга бўлишдан мақсад, саноат корхонаси ишлаб чиқаришда содир бўлган ҳар қандай бахтсиз ҳодисага жавобгар ҳисобланади. Маъмурият биринчи икки турдаги бахтсиз ҳодиса яъни жароҳатланиш ишлаб чиқариш билан боғланган тақдирда жавобгар ҳисобланади ва бахтсиз ҳодисага учраган кишининг жароҳатланиш натижасида йўқотилган кунлари учун тўлиқ ҳақ тўланади.

Агар бахтсиз ҳодиса у маъмурият томонидан хавфсиз иш шароитини яратиш соҳасида йўл қўйилган хато орқасида бўлмай, балки ишчининг меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларига амал қилмаслиги натижасида келиб чиққан бўлса, унда ишчи ҳам маъмурият ходими билан бирга жавобгар ҳисобл лиғи, хавфсизлик техникаси инженери ва жамоат инспектори таркибида тузилган комиссия томонидан текширилади.

Бахтсиз ҳодиса иш бошланишидан олдин, иш давомида, ишдан кейин иш жойида, завод территориясида ва маъмуриятнинг топшириғига асосан завод территориясидан четда юз берган бўлишидан қатъий назар текширилиши лозим. Ўткир захарланиш, иссиқ уриши ва тананинг баъзи қисмларининг музлаши бахтсиз ҳодиса сифатидатекширилади.

Бир кундан кам бўлмаган иш кунини йўқотган бахтсиз ҳодисалар 24 соат давомида текширилиб, махсус форма бўйича (Н-1) 4 нусхадан акт тузилади.

Актда бахтсиз ҳодисага учраган киши ҳақидаги ахборот ташқари, аниқланган бахтсиз ҳодисанинг сабаблари келтирилиши ва бундай бахтсиз

ҳодисалар қайтарилмаслиги учун қандай чора-тадбирлар кўрилганлиги ҳақида ахборот берилади.

Актни корхонанинг бош инженери тасдиқлайди. Актнинг бир нусхаси цех бошлиғига юборилади ва у бош инженер белгилаган муддат давомида актда кўрсатилган меҳнатни муҳофаза қилиш масаларини амалга ошириши керак, иккинчи нусхаси касаба уюшмаси, комитетига, учинчиси тегишли касаба уюшмасининг техник инспекторига ва тўртинчиси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимига назорат ўрнатиш учун юборилади. Маъмурият бахтсиз ҳодисага учраган кишига актнинг тасдиқланган нусхасини бериши шарт. Бахтсиз ҳодисанинг асоратлари кейинчалик ҳам келиб чиқишини ҳисобга олиб, актлар 45 йилгача сақланиш керак.

Бахтсиз ҳодиса текширилгандан кейин саноат корхонаси маъмурияти йўл қўйилган хатоларнинг қайтарилмаслигини таъминлашга қаратилган буйруқ эълон қилади. Бу буйрақда корхонада юз берган бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқишига айбдор бўлган кишиларнинг жавобгарлиги аниқланиб, таъкидланади.

Бахтсиз ҳодиса ўлим билан тугаса, группа билан бахтсиз ҳодисага учраса ва оғир жароҳатланган ҳолларда, текшириш махсус белгиланган тартиб билан ўтказилади. Бундай бахтсиз ҳодисаларни махсус комиссиялар томонидан текширилади. Комиссия таркибига касаба уюшмаси техник инспектори, юқори хўжалик ташкилотининг ходими, давлат назорат органлари ходимлари ва умумий бахтсиз ҳодисани текширишда иштирок этадиган ходимлар қатнашади.

Бундай ҳолатларда текшириш тезда ўтказилиши керак, яъни текшириш материаллари 7 кун ичида тайёр бўлиши шарт. Актга бахтсиз ҳодисани кўрган гувоҳларнинг кўрсатмалари, медэксперт хулосаси, бахтсиз ҳодиса юз берган жойнинг, ҳамда агар бахтсиз ҳодиса вақтида бирон-бир объект зарарланган бўлса, уларнинг фото сурат ва комиссия чиқарган хулосаларни тасдиқлайдиган бошқа материаллар қўшиб юборилади. Актга шунингдек бахтсиз ҳодисага жавобгар бўлган шахснинг фамилияси ва лавозими ёзиб қўйилади.

Оғир, группа билан жароҳатланганлар ва ўлим билан тугуган бахтсиз ҳодисалар албатта фабрика, завод касаба уюшмаси комитетида ва юқори

хўжалик ташкилотлари касаба уюшмалари комитетида ва юқори хўжалик ташкилотлари касаба уюшмалари комитетларида таҳлил қилиш ва кўриб чиқилиши керак. Сўнгра билдирилган фикр мулоҳазалар асосида кейин ҳам шундай бахтсиз ҳодиса рўй бермаслик учун умумий чора тадбирлар комплекси ишлаб чиқилиш ва уни қарор билан тасдиқланиши зарур.

Ўзбекистон Республикасида касбий заҳарланиш ва касб касаликлари олдини олиш учун керакли қонуният ва тавсияномаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек касб касалликлари вужудга келганда уларни ҳисобга олиш ва текшириш ишлари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкилотларига топширилган касбий заҳарланиш ва касб касаллиги ҳақидаги акт корхона раҳбари юборилади. Актда бундай касалликларнинг қайтарилмаслигини таъминловчи чора-тадбирлар комплекси тавсия этилади ва унинг бошқа нусхаси Республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг юқори ташкилотларига юборилади.

Бахтсиз ҳодисага учраган кишини ҳисобга олиниб, унга маълум даволаниш курси белгиланади. Агар зарур бўлса касб касалигига учраган кишини меҳнат эксперт врачлар комиссияси (ВТЭК)га юборилади ва унда унинг касб касаллигининг оқибати натижасида ногиронлик груҳи аниқланади ва шунга яраша маълум моддий таъминланиш миқдори белгиланади.

Инсон организмнинг ташқи муҳитга мослашуви

Асосан ташқи муҳитга иссиқликни алмаштиришда физик ташқи муҳитга мослашувнинг аҳамияти катта.

Организмнинг ташқи муҳитга иссиқлик чиқариши уч йўл билан ўтиши мумкин:

1. Одам танасининг умумий юзасида инфрақизил нурланиш орқали (радиация орқали ҳаво алмашинуви);
2. Танани ўраб турган ҳаво муҳитини иситиш (конвекция);
3. Терининг терлаб, буғланиши ва нафас олиш йўллари орқали суюқликларнинг буғланиши натижасида.

Нормал шароитда, кучсиз ҳаво ҳаракати бўлган ҳолатда ҳаракатсиз одам организми радиация йўли билан организм ишлаб чиқараётган иссиқликнинг 45%, конвекция натижасида 30% ва терлаш орқали 25% йўқотиш аниқланган. Бунда тери орқали умумий иссиқликнинг 80% ортиғи, нафас олиш аъзолари орқали 13 (проценти) ва тахминан 5% и иссиқлик овқат, сув ва ҳавони иситишга сарфланади.

Радиация ва конвекция орқали иссиқликни йўқотиш, фақат ташқи муҳит ҳарорати тана ҳароратидан кам бўлган ҳолларда бўлиши мумкин. Шунини айтиб ўтиш керакки, ташқи муҳит ҳарорати қанча паст бўлса, иссиқлик йўқотиш шунча кучли бўлади.

Ташқи муҳит ҳарорати тана ҳароратидан юқори ёки тенг бўлса, у ҳолда иссиқлик ажратиш терлаб буғланиш ҳисобига бўлади.

1 грамм терни буғлатиш ҳисобига 2,5 кДж (0,6 ккал) иссиқлик йўқотилиши мумкин.

Организмдан чиқадиган тернинг миқдори ташқи муҳит ҳароратига ва бажариладиган иш категориясига боғлиқ. Ҳаракатсиз организмда, ташқи муҳит ҳарорати 15 °C ни ташкил қилса, терлаш жуда кам миқдорни (соатига 30 мл) ташкил қилади. Юқори ҳароратларда эса (30 °C ва ундан юқори), айниқса оғир ишларни бажарганда организмнинг терлаши жуда ортиб кетади. Масалан иссиқ цехларда, оғир ишларни бажариш натижасида терлашни миқдори соатига 1-1,5 литрга етади ва бу миқдор терни буғланиши учун 2500-3800 кДж (600-900 ккал) иссиқлик сарфланади.

Шунини айтиб ўтиш керакки, терлаш йўли билан иссиқлик сарфлаш фақатгина тана юзасида тер буғлангандагина амалга ошади. Терни буғланиши эса ҳавонинг ҳаракатига ва нисбий намлигига, қийган кийимининг материалига боғлиқ.

Иссиқлик йўқотиш фақат терлаш йўли билан амалга ошириладиган шароитда ҳавонинг нисбий намлиги 75-80 процентдан ортиқ бўлса, тернинг буғланиши қийинлашади ва организм ташқи муҳитга мослашуви бузилиши натижасида иссиқлаш юз бериши мумкин. Иссиқлашнинг биринчи белгиси

тана ҳароратининг кўтарилишидир. Кучсиз иссиқлаш тана ҳароратининг енгил кўтарилиши, ҳаддан ташқари тер чиқиши, кучли сувсаш, нафас олиш ва қон томирларнинг ўришини тезланиши билан чегараланиши мумкин. агар кучли иссиқлаш юз берса, унда нафас олиш қийинлашади, қаттиқ бош оғриғи тутади ва бош айланади, нутқи қийинлашади.

Ташқи муҳитга мослашишнинг бу хилдаги бузилиши ва тана ҳароратининг кескин кўтарилиши иссиқлик гепатермияси деб аталади.

Иссиқлашнинг иккинчи белгиси терлаш натижасида инсон организмнинг кўп миқдорда туз йўқотиши натижасида келиб чиқади. Бухолат тери хужайраларида тузнинг камайиши орқасида, Терининг сувни ушлаб қолиш қобилияти сусайганлигидан келиб чиқади. Ичилаётган сув тинмай тер бўлиб чиқиб кетганлиги сабабли, организм кучли чанқоқлик сезади, ичилган сувнинг тезда чиқиб кетиши чанқоқликни яна кучайтиради ва бу сув билан заҳарланиш ҳолатини вужудга келтириши мумкин. Бунда организмнинг пайларидида қалтираш пайдо бўлади кучли терлаш ва қоннинг қуюқланиши кузатилади. Бу ҳолат қалтираш касаллиги деб юритилади. Кейин иссиқ уриш вужудга келади, тана ҳарорати 40-41 °C га кўтарилиб, одам хушини йўқотади ва қон томирларининг уриши кучсизлашади. Бу вақтда организмдан тер чиқиш бутунлай тўхтайдди. Қалтираш касали ва иссиқ уриш ўлим билан тугаши мумкин.

Саноат корхоналарида олиб борилаётган гигиеник чора-тадбирлар натижасида ишлаб чиқариш шароитида қалтираш касаллиги ва иссиқ уриш деярли йўқолиб бормоқда. Иссиқ цехларнинг ҳаммасида организм йўқотган тузни тиклаш учун махсус ичимликлар ташкил қилинган.

Инсон организмга фақатгина юқори ҳарорат таъсир кўрсатади. Узоқ вақт паст ҳарорат таъсирида бўлиш асосий физиологик жараёнларнинг бузилишига, иш қобилиятининг сусайишга ва орга- низмнинг касаланишига олиб келади. паст ҳарорат таъсирида қон томирлари тораяди узоқ вақт таъсир қилиш натижасида, эса капилляр қон томирларнинг фаолияти бузилади (биринчи белгилаб сифтида оёқ ва қўл панжаларининг ачишиб оғриши, қулоқ ва

буруннинг ачишишини келтириш мумкин),шундан кейин бутун организмнинг совуққа қотиши сезилади.

Ташқи нерв системаларининг совуқ қотиши натижасида суяк системаларида радикулит,оёқ кўл ва бел бўғинларида ҳамда пайларда ревматизм касаллиги, шунингдек плеврит, бронхит ва бошқа шамоллаш билан боғлиқ бўлган юқумли касалликлар келиб чиқиш мумкин.

Одам организмга совуқнинг таъсири,айниқса ҳаво ҳаракати кучли бўлиб, ҳавонинг нисбий намлиги юқори бўлган вақтда кучли бўлади. Чунки совуқ ҳароратдаги нам ҳаво иссиқликни яхши ўтказди ва конвекция орқали иссиқлик йўқотишни кучайтиради.

4.2. Ишлаб чиқариш микроклимининг гигиеник нормалари

Ишлаб чиқариш микроклими нормалари меҳнат хавфсизлиги стандартлари системаси "Иш зонаси микроклими" (ГОСТ 12,1005-76)га асосан белгиланган. Улар гигиеник ва техник иқтисодий негизларга асосланган.

Саноат корхоналари хоналарининг характери, йил фасллари ва иш категориясига қараб, улардаги ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво ҳаракатининг иш жойлари учун рухсат этилган нормалари белгиланган.

Иш категориялари қуйидагича белгиланади: энгил жисмоний ишлар (1 категория)-ўтириб, тик туриб ёки юриш билан боғлиқ ҳолда бажариладиган, бироқ мунтазам жисмоний, зўриқиш ёки юкларни кўтаришни талаб қилмайдиган ишлар, энергия сарфи соатига 150 ккал (172 Ж.С) ни ташкил этади. Бунга тикувчилик корхонаси, аниқ асбобсозлик ва шу каби корхоналар киради.

Ўртача оғирликдаги жисмоний ишлар (11 категория)-соатига 150-250 ккал (172-293 Ж.С) энергия сарфланадиган фаолият турлари киради. Бунга доимий юриш ва оғир бўлмаган (10 кг гача) юкларни ташиш билан боғлиқ бўлган ишлар киради. Масалан, йиғирув-тўқиш ишлари, механик-йиғув, пайвандлаш цехларидаги ишлар шулар жумласидандир.

Оғир жисмоний ишлар (111 категория)-мунтазам жисмоний зўриқиш хусусан оғир юкларни (10 кг дан ортиқ) муттасил бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ва кўтариш билан боғлиқ ишлар киради. Бунда энергия сарфи соатига 250 ккал (293 Ж.С) дан юқори бўлади. Бундай ишлар темирчилик, куюв ва бошқа қатор цехларда бажарилади.

Ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво ҳаракатининг тезлиги рисоладаги ва йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдорлар кўринишида нормаланади. Рисоладаги миқдорлар деганда одамга узоқ муддат ва мунтазам таъсир қилганда ташқи муҳитга мослашув реакцияларини кучайтирмасдан организмнинг нормал фаолиятини ва иссиқлик ҳолатини сақлашни таъминлайдиган микроклим кўрсаткичларининг йиқиндиси тушунилиб, улар иссиқлик сезиш

мўътадиллигини вужудга келтиради ва иш қобилиятини юксалтириш учун шарт-шароит ҳисобланади. Йўл қўйилиши мумкин бўлган микроклим шароитлари-организмнинг фаолиятини ва иссиқлик ҳолатдаги ўзгаришларини, физиологик мосланиш имкониятларидан четга чиқмайдиган ташқи муҳитга мослашиш реакцияларининг кучайишини бартараф этадиган ва тез нормага соладиган микроклим кўрсаткичларининг йиғиндисидир. Бунда соғлиқ учун хатарли ҳолатлар вужудга келмайди, бироқ номўътадил иссиқлик сезгилари, кафиятнинг ёмонлашуви ва иш қобилиятининг пасайиши кузатилиши мумкин. Жадвалларда микроклимнинг рисоладаги ва йўл қўйилиши мумкин бўлган нормалари келтирилган. Доимий ишларда жадвалда келтирилган миқдорлар таъминланиши лозим, улар ҳавони мутадиллаштиришда ҳам мажбурийдир. Бироқ қатор ҳолларда, масалан иссиқлик кўп ажралиб чиқадиган ёки иситиладиган хоналарининг ҳажми катта металлургия, машинасозлик ва бошқа заводларда йўл қўйиладиган нормаларга асосланиши мумкин, бироқ меҳнат ва дам олиш режимларига қўйиладиган гигиеник талабларга, организмнинг иссиқлаб кетиши ва совуқ қотишини олдини олишга қаратилган барча воситаларидан фойдаланишга ҳам амал қилиш зарур.

Саноат корхоналарини шамоллатиш

Инсон ҳаётида ҳавонинг аҳамияти жуда катта бўлиб, унинг кимёвий таркиби, физик хусусиятлари таркибида ҳар хил моддаларнинг бўлиши, ҳаводан нафас олиб, меҳнат қилаётган кишилар учун жуда муҳим. Чунки ҳавонинг тозалиги инсон саломатлигини сақловчи муҳим омил ҳисобланади.

Ер атмосфераси қуруқ ҳаво билан маълум миқдордаги сув буғларининг аралашмасидан ташкил топган. Қуруқ атмосфера ҳавосининг таркиби 78% азот, 20,9% кислород, 0,93% аргон, 0,03% карбонат ангидриди ва кам миқдорда гелий, неон, криптон ва бошқа газлар бўлиб шулардан инсон учун энг зарури ҳаво таркибидаги кислороднинг мавжудлигидир.

Ҳаво ҳолати унинг босими, зичлиги, ҳарорати, абсолют намлиги, намлик сиғими, нисбий намлиги, иссиқлик сиғими ва бошқалар билан белгиланади.

Корхоналардаги ишлаб чиқариш биноларида ажралиб чиқаётган ҳар хил зарарли моддаларни шамоллатиш йўли билан тозаланиб, захарланиш ва касбий касаллакларни олдини олишга эришиш мумкин ҳисобланади.

Шамоллатиш ишлаб чиқариш биноларидаги ҳавони керагича алмаштиришни таъминлаш билан бир қаторда, ишловчи ходимлар ҳамда технологик жараённинг бориши учун қулай шароит яратади.

Ҳавонинг ҳаракатланиш усулига кўра шамоллатиш икки турга бўлинади.

Табиий шамоллатиш усулида, биноларга ҳаво алмаштириш табиий кучлар, гравитацион иссиқлик ва шамол босими таъсирида киради ва чиқиб кетади.

Сунъий (механик) шамоллатиш усулида эса ҳаво алмаштириш, биноларда ўрнатилган сўриб олувчи ва узатиб берувчи механик шамоллатгичлар воситалари ёдамида амалга оширилади.

Шовқин ва унинг инсон танасига таъсири

Шовқин, силкиниш ва ультратовушлар ажралиб чиқишга қараб бир хил бўлади улар ҳаммаси жисмларнинг тебранишидан ташкил топиб, бизнинг эшитиш аъзоларимиз томонидан қабул қилинади. Улар бир-бирларидан фақат тебраниш частотаси билан ва одамлар уларни ҳар хил қабул қилиши билан фарқ қиладилар.

20гцдан 20000 гц гача тебранишларни товуш деб аталади ва уларни биз товушдек эшитамиз. Шундай бир қанча товушларни тартибсиз қўшилиши шовқин деб аталади. 20 гц дан паст бўлган тебранишларни инфратовуш деб аталади. 20000 гц дан юқори бўлган тебранишларни эса ультратовуш дейилади. Ультратовушларнинг биз эшита олмаймиз, уларни фақат баъзи бир уй хайвонларигина эшита олади.

Қаттиқ жисмларнинг тебранишига ва шу тебранишларни жисмларнинг ўзлари ёки бошқа қаттиқ жисмлар орқали ўзатилишига силкиниш дейилади. Силкинишни биз чайқалишдек қабул қиламиз ва уларни тебраниш частотаси 1 гц дан 100 гц гача бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек турли частотадаги ҳар хил товушларнинг тартибсиз қўшилишиб эшитилиши шовқин деб аталади. Ритимларга риоя

қилинган ҳолда мунтазам равишда келиб чиқадиган оҳанграбо товушларга музыкали товушлар деб аталади. Музыка ва шунингдек, шовқин, бир вақтнинг ўзида товуш чиқарадиган қатор оддий ёки соф тонлар, яъни товуш чиқарадиган жисмларнинг майин тебранишидан келиб чиқадиган товушлардан иборат. Шунинг учун ҳар қандай овоз алоҳида компонентларга бўлиниши мумкин. Музыка бизга эстетик завқ беради, шовқин эса ғашимизни келтирадиган даражада таъсир қилади.

Қаттиқ шовқин эшитиш органларига ёмон таъсир қилиши натижасида ишчиларнинг эшитиш қобилияти пасайиб кетади. Бунда, аввало энг кучли даражада юқори тебраниш частотасига эга бўлган товушларни қабул қилиш бузилади. Бу кўпинча юқори частотага эга бўлган пичирлаб гапиришни яхши эшитмаслик билан ифодаланади. Жуда кўп тебранишларга эга бўлган товушлар қар бўлиб қолишда асосий роль ўйнайди. Паст товушлар ёки оз сонли тебранишларга эга бўлган товушлар, гарчи уларнинг кучи ёки тебраниш амплитудаси катта бўлганда ҳам деярли зарарсиз ҳисобланади. Бу қозончаларда ва қозончаларда пневматик асбоблар билан ишловчи ҳамда бошқа одамлардан ажралган ҳолда яқка ишловчи бошқа касб эгаларида эшитиш қобилиятининг тезда пасайиб кетиши билан ифодаланади.

Хавфли химиявий моддаларни инсон организмига кириш йўллари

Хавфли химиявий моддалар танага нафас йўллари тери ва овқат хазм қилиш йўллари орқали киради .

Нафас йўллариининг бошдан оёғигача қопланган шиллиқ пардалар суриш хусусиятларига эга. Бурун ва халқумга кирган хавфли химиявий моддалар уша ернинг ўзидаёқ шимилла бошлаши мумкин. Лекин кўпчилик хавфли химиявий моддаларнинг асосий шимилиши ўрни нафас олиш йўллариани анча ичкаридаги қисмлари бронхиолалар ва асосан альвеолалар ҳисобланади. Упкага кўп миқдордаги қоннинг тўхтовсиз келиб туриш натижасида упка альвеолаларига кирган захарли упка капиллярлари орқали қон айланишининг катта доирасига ўтади. Организмга ошқозон ичак йўллари орқали кирган захарлар кучлироқ таъсир этади, чунки нафас йўллари орқали кирган хавфли химиявий моддалар,

уларни(хавфли химиявий моддаларни) тутиб қолишдан ва зарарсизлантиришда муҳим роль ўйнайдиган жигар тўсиғига кирмасдан, тўғридан-тўғри катта қон айланиш системасига ўтадилар.

Хавфли химиявий моддаларнинг чанг ва буғларини кишилар ютганда овқат хазм қилиш йўлларига киради. Хавфли химиявий моддалар асосан ичакларда ва қисман ошқозонда шимилгани сабабли, ошқозонга тушган хавфли химиявий моддаларни таъсири ошқозондаги овқатларни ичакларга ўтиш тезлигига боғлиқдир. Сувда эримайдиган баъзи хавфли химиявий моддалар ичакларга ўтганда, эрийдиган бўлиб қолади ва шундай қилиб қонга ўтади. Шимилладиган моддаларнинг кўп қисми ичаклардан дарвоза вена қон айланиш системаси орқали, яъни хавфли қисман зарарсизлантиришадиган жигар орқали ўтади. Ёғлардан ва липидлардан эрийдиган захарлар эса тери орқали кириши мумкин. Нафас йўллари орқали кирадиган хавфли химиявий моддалар каби, тери орқали кирадиган захарлар ҳам жигарга бормай қон айланиши тўғридан-тўғри ўтади.

Буйрак ва ичаклар захарларнинг организмда ажралиб чиқишига асосий восита ҳисобланади. Металлар, эфир ёғлари, буёқлар ва бошқа моддалар кўпинча буйрак ва ичаклар орқали ажралиб чиқади металлар ва металлоидларнинг буйрак ва ичаклар билан алоқаси тухтагандан кейин, узок вақтгача ҳатто ойлар давомида улардан ажралиб чиқиши мумкин. Баъзи ҳолларда хавфли химиявий моддалар танадан ҳеч ўзгаришсиз, бошқа ҳолларда эса уларнинг дериватлари шаклида ажралиб чиқади. Буғга айланувчи турли моддалар, алкоголь, бензин, эфир ва бошқалар ўпкадан чиққан ҳаво орқали ажралиб чиқиши мумкин. Баъзи ҳолларда захарли химиявий моддалар, масалан, кўрғошин, симоб, мишьяк, бром аёллар танасидан эмадиган болаларнинг соғлом ўсишида муҳим роль ўйнайдиган сут безлари орқали ҳам ажралиб чиқиши мумкин. Баъзи бирлари (анилин, нитро бензол ва бошқалар) эса тери орқали қисман бўлса ҳам ажралиб чиқади. Мана шундай пайтларда улар чиқиш йўлларида иккинчи марта таъсир кўрсатиши мумкин. Юқорида номлари кўрсатилган захарли химиявий моддалар тери орқали ажралиб

чиққанида, ҳосил бўладиган дерматитлар ва бошқалар кўп даражада ана шунга боғлиқдир.

Чанглар ва уларнинг хусусиятлари

Чанглар ҳаво таъсири остида доимо ҳаракатда бўлади. Ишлаб чиқариш биноларидаги ҳавонинг таркибида, у ёки бу миқдорда чанг бўлади, хатто нисбатан тоза чангсиз деган хоналарда ҳам маълум миқдорда чанг бўлади. Буни оддий қуролланмаган кўз билан ҳам ўтиб турган қуёш нурларига қараганда кура олиш мумкин.

Ишлаб чиқариш биноларида чангни кўплаб ажралиб чиқиши, ишлаб чиқариш технологиясини характерига боғлиқ. Ишлаб чиқариш шароитида чанг ажралиб чиқиши кўпинча механик жараёнлар билан боғлиқдир, масалан, бураб тешиш, парчалаш, ишқалаш, элаш, ўткирлаш, арралаш, сепиладиган материалларни ташиш, куйиш ва эришдан ҳосил бўлади. Чанг бундай пайтларда ишчилар танаси учун хавфли бўлиб, уларни ўраб турган муҳитни аниқловчи бир омил бўлгани учун биз уларни саноат чанглари деб атаймиз.

Чангли ишлаб чиқариш биноларида ишловчи ишчилар, чангнинг ҳам ташқи, ҳам ички таъсирига учрайдилар. Чанг оғиз, бурун бўшлиқларига, териға, кўзга ва юқори нафас олиш йўллариға таъсир қилади, сўлак билан ютилиб овқатланиш аъзолариға таъсир қилади ва нафас олинаётган ҳаво билан ютилиб овқатланиш аъзолариға таъсир қилади ва нафас олинаётган ҳаво билан нафас олиш органининг энг узок участкаси бўлак ўпкагача бориб етадилар. Чанги ташқи таъсири унча хавфли эмас, чунки ишчи чангли муҳитдан чиқиб, қўлини, бетларини ювиши билан ёки қоқиб ташлаши билан чанг билан бўлган алоқа тугайди.

Саноат корхоналарини ёритишга қўйиладиган асосий талаблар

Ёруғлик инсон фаолияти давомида жуда муҳим роль ўйнайди. Кўриш инсон учун асосий маълумот манба ҳисобланади. Умумий олинадиган маълумотнинг тахминан 90% кўз орқали олинади. Шунинг учун ҳам саноат корхоналарини рационал ёритиш сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш шароитини яхшилайти, ишчиларни чарчашдан салайти ва унумдорлигини оширади.

Оқилона ёритилган зоналарда ишлаётган ишчиларнинг кайфияти яхши бўлади; шунингдек хавфсиз меҳнат қилиш шароити яратилади ва бунинг натижасида бахтсиз ходисалар кесин касаяди. Бундан кўриниб турибдики, саноат корхоналарини ёритишга фақат гигиеник талаб қўйилмасдан, балки техник иқтисодий талаблар ҳам қўйилади. Электромагнит спекторларининг тўлқин узунликлари 10 н.м дан 340000 н.м гача оралиғи спекторлари оптик жарёни деб аталади, бундан 10 дан 380 н.м и инфрақизил нурлар, 380 дан 770 н.м и кўринадиган нурлар ва 770 дан 340000 н.м гача бўлганлари эса ультра-бинафша нурлар деб айтилади. Биз кўзимиз билан бинафша рангдан то қизил рангача бўлган ёруғлик нурларини сезамиз.

Электр токи таъсирга тушган кишига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш

Электр токи таъсирга тушган кишига тиббиёт ходими келгунга қадар кўрсатиладиган ёрдамни икки қисмга бўлиб қаралади: ток таъсирдан қутқазиб ва биринчи ёрдам кўрсатиш.

Ток таъсирдан қутқазиб ўз навбатида бир неча хил бўлиши мумкин. энг осон ва қулай усули бу электр қурилмасининг ўша қисмига келаётган токни ўчиришдир.

Агар бунинг иложи бўлмаса (масалан, ўчириш қурилмаси узокда бўлса), унда ток кучланиши 1000 В дан кўп бўлмаган электр қурилмаларида электр симларини сопи ёғочли бўлган болталар билан кесиш ёки зарарланган кишининг кийими қуруқ бўлса, унинг кийимидан тортиб ток таъсирдан қутқазиб қолиш мумкин. Агар электр токининг кучланиши 1000 В дан ортик бўлса, унда диэлектрик қўлқоп ва электр изоляцияси мустаҳкам бўлган электр асбобларидан фойдаланиш керак.

Электр таъсирга тушган кишига биринчи ёрдам кўрсатиш, унинг ҳолатига қараб белгиланади. Агар таъсирланган киши хушини йўқотмаган бўлса, унинг тинчлантириб, врач келишини кутиш ёки уни тезда даволаш муассасасига олиб бориш зарур.

Агар ток таъсирдан хушини йўқотган аммо нафас олиши ва юрак тизими ишлаётган бўлса, унда уни қуруқ ва қулай жойга ётқизиш, камари ва ёқасини

бўшатиш ва соф ҳаво келишни таъминлаш зарур. Нашатир спирти хидлатиш, юзига сув пуркаш, танасини ва қўлларини ишқалаш яхши натижа беради.

Агар жароҳатланган кишининг нафас олиши қийинлашса, қалтираш ҳолати бўлса, аммо юрак уриш ритми нисбатан яхши бўлса, унда бу кишига сунъий нафас олдириш ишларини бажариш зарур.

Клиник ўлим ҳолати юз берган тақдирда сунъий нафас бериш билан бир қаторда юракни устки томондан массаж қилиш керак.

Сунъий нафас бериш жароҳатланган кишини ток таъсиридан қутқазиб олиш, унинг ҳолатини аниқдаш биланоқ бошланиши керак. Сунъий нафас бериш "оғиздан оғизга" деб аталувчи усул билан, яъни ёрдам кўрсатувчи киши ўз ўпкасини ҳавога тўлдириб, жароҳатланган киши оғзи орқали унинг ўпкасига бу ҳавони ҳайдайди. Одам ўпкасидан чиққан ҳаво, иккинчи одам ўпкаси ишлаши учун етарли мидорда кислородга эга бўлиши аниқланган. Бу усулда жароҳатланган киши чалқанча ётқизилади, оғзини очиб бегона нарсалардан тозаланади. ҳаво ўтиш йўлини очиш учун бошини бир йўли билан пешона аралаш кўтарилади, иккинчи йўл билан даҳанидан тортиб, даҳанини бўйни билан тахминан бир чизикқа келтирилади . Шундан кейин кўкрак қафасини тўлдириб нафас олиб, куч билан бу ҳавони жароҳатланган киши оғзи орқали пуфланади. Бунда ёрдам кўрсатаётган киши оғзи билан, жароҳатланган кишининг оғзини бутунлай беркитиши ва юзи ёки панжалари ёрдамида унинг бурнини беркитиш керак.

Шундан кейин ёрдам кўрсатувчи бошини кўтариб яна ўпкасини ҳавога тўлдиради. Бу вақтда жароҳатланган киши пассив равишда нафас чиқзади.

Хулоса

Иқтисодий ривожлантириш корхоналарга инвестицияларни жалб қилишни талаб қилади. Инвестицияларни жалб қилиш эса корхоналарнинг инвестицион фаоллигини оширишни, инвесторлар учун жозибадор иқтисодий, ҳуқуқий муҳит яратишни талаб қилади. Шунинг учун ушбу битирув-малакавий иши мавзуси долзарбдир.

Битирув-малакавий ишининг биринчи боби “Корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда инвестицион лойиҳалар ролининг илмий-назарий асослари” деб номланиб, унда “Инвестиция” ва инвестицион лойиҳалар” тўғрисида, инвестицион лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида, ҳамда инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш усуллари тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар ёритиб берилди.

Битирув-малакавий ишининг иккинчи боби “Delux Fabric” МЧЖнинг ривожланиш тарихи ва хўжалик фаолияти таҳлили” деб номланиб, унда “Delux Fabric” МЧЖнинг ривожланиш тарихи ва асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили, товар ва сотилган маҳсулот таҳлили, асосий фондларнинг тузилиши ва техник ҳолати таҳлили, корхонага инвестицияларни жалб қилиш, уларнинг молиялаштириш манбаи таҳлили, “Delux Fabric” МЧЖнинг SWOT таҳлили ва корхонага жалб қилинган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўллари борасида тўлиқ таҳлиллар олиб борилди.

Битирув-малакавий ишининг учинчи боби “Delux Fabric” МЧЖ”га инвестицияларни жалб қилишни оширишнинг асосий йўллари” деб номланиб, унда саноат корхоналарининг инвестицион фаолиятини кучайтириш, шунингдек, “Delux Fabric” МЧЖга инвестицияларни жалб қилишни оширишнинг асосий йўллари бўйича таклифлар киритилди.

Ушбу таклифлар қуйидагилардан иборат:

1. Соф фойданинг инвестиция учун йўналтирилган қисмини фойда имтиёзи солиққа тортиш. Ушбу таклиф корхоналарнинг фойда учун тўлайдиган солиғини дастлабки даврларда камайтирсада, кейинчалик инновацион фаолият натижасида олинмаган қўшимча фойда орқали олдин тўланмаган фойзаларни қоплаб кетади. Бундан ташқари ушбу тадбир натижасида, кўпчилик ҳолларда қўшимча иш жойлари ташкил этилади ва бу эса катта ижтимоий самарага эга.

2. Тезлаштирилган амортизация ажратмасини жорий қилиш. Маълумки, корхоналарда инвестициянинг асосий манбаиларидан бири-бу амортизация ажратмасидир. Ушбу таклифга асосан корхоналарга амортизация ажратмаси нормаларини кўпайтиришга рухсат берилиши лозим. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтириладиган амортизация ажратмаси улушини кўпайтиради. Бу эса ўз навбатида корхонада мавжуд машина ва дастгоҳларни қисқа даврларда янги, замонавий техникалар билан алмаштиришга имкон яратади.

3. Инвестицион лойиҳаларни жорий қилиш натижасида ишлаб чиқараладиган маҳсулотни солиққа тортишда имтиёзлар бериш лозим. Ҳозирги даврда инновацион лойиҳаларни жорий қилиш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари доимий равишда ишлаб чиқарилётган маҳсулотларнинг таннархига нисбатан юқори бўлади. Бу эса корхоналарнинг керакли миқдорда фойда олишини таъминламайди. Шунинг учун, инновацион фаолият натижасида олинмаган фойдага 1-2 йил фойда солиғи олинмаса корхоналарни янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қизиқтирар эди.

4. Хориждан олиб келинган машина ва дастгоҳларга мулк солиғи тўлашда имтиёзлар бериш. Чунки ҳозирги вақтда ушбу солиқ ставкаси 3,5 %ни ташкил қилади ва кўпчилик иқтисодиёт соҳасидаги олимларнинг фикрича жуда юқори.

5. Хорижий инвесторларга давлат томонидан кафолатни кучайтириш. Чунки ҳозирги вақтда хорижий молиявий институтлар умумий инвестициядар қарз олувчининг улуши камида 50 % бўлсагина кредит ажратади, аммо

кўпчилик озиқ-овқат корхоналининг 50 %ни тўлаш имконияти йўқ. Шунинг учун озиқ-овқат саноатининг иқтисодиётдаги ўрни ҳисобга олиб хорижий инвесторларга давлат томонидан инвестицияларни қайтариб беришни кафолатлашни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Демак республикамиз олдида турган асосий вазифалардан бири- хорижий инвестрлар учун янада қулай ҳуқуқий, иқтисодий шарт шароитлар яратишдир.

Битирув малакавий ишининг тўртинчи бобида ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси масаларини ёритишга ҳаракат килдик.

Умуман олганда, битирув малакавий иши олдида қўйилган мақсадларга эришилди ва вазифалар бажарилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикасининг Корхоналар тўғрисидаги қонуни 1991 йил 15 феврал
3. Ўзбекистон Республикаси Чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни. 1998 йил 30 апрел
4. Ўзбекистон Республикаси “Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар фаолиятлари кафолатлари тўғрисидаги қонун” 1994 йил 5 май
5. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти” тўғрисидаги қонун 1991 йил 14 июн 182 модда 1992 йил 335 модда

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й, 6-сон.
7. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, “Халқ сўзи” 2010-йил 15-июн, 1-бет
8. Ўзбекистон Республикасининг 2013-йилга мўлжалланган инвестиция дастури тўғрисида “Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2012-йил 21-ноябрдаги 1855-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримовнинг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони 2012-йил 10-апрелдаги 4434-сонли

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 14 мартдаги 33-сонли ва Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш

давлат қўмитасининг 2005 йил 14 мартдаги 01/06-18/02-сонли "Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 27 апрелда 1473-сон билан рўйхатга олинган) – Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари II-10 -Тошкент 2010.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

11. Ш.М.Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т., “Ўзбекистон”, 2017 йил.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сузи, 2016 йил январь

13. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2015 йил.

14. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2009.

15. Каримов И.А. Мамлакатимизда деморактик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси- Т.: Ўзбекистон, 2010.

16. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тарақиётининг асосий мезонидир.–Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.

17. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

18. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

V. Дарслик ва ўқув қўлланмалар

19. Ғозибеков Д.Ғ. “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари” . Т. : “Молия” 2013-йил
20. Ваҳобов. А.Н, Хаджабакиев. Ш.Х. , Мўминов. Н.Г.: “Хорижий инвестициялар” , Ўқув қўлланма Т.: “Молия” . 2012 йил
21. Имомов. Х.Х : , “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” , Ўқув қўлланма Т.: “Иқтисод-молия” 2011-йил
22. Шарп.У.Ф. ,Александр. Т.Дж. , Вейли. Д.В.: “Инвестиции”-М.: “ИНФРА-М”, 2013 год
23. Иешитой, С.А.: “Инвестиции”. – М “Дело”. 2011 год
24. Қодиров А., Ғиёсов Б., Мирзамахмудов Т.: “Инвестициялар ва инвестицияларни жалб қилиш” – Т.: ТДИУ 2015-йил
25. Махмудов Н.М., Маджидов Ш.А.: “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” . – Т.: ТДИУ 2013 йил
26. Тошов О.: “Инвестицион фаолиятни молиялаштириш ” – Т .: “Академик нашр” 2011 йил
27. Эргашева Ш, Узоқов А.: “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” – Т.: “Итисодиёт” 2012 йил
28. Каримов Н.Ғ.: “Ўзбекистон Республикасида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш йўллари” . Монография. – Т.: “Фан ва технология” 2015 йил
29. Mc. Connell, Brue. Economics.17 th edition. Megrawhill, USA, 2016.
30. Goldschmidt B., Goldschmidt M. Modular Instruction in higher Education // Higher Education – 2015-№ 2.-P. 15-32.
31. Russell J.D. Modullar Instruction // A Guide to the Design, Selection, Utilization and Evaluation of Modular Materials.- Minneapolis; BPC, 2012
32. Curtis J. Bank, Charles R.Graham. The Handbook of Blended Learning: Global Perspectives, Local Designs 2013

VI. Интернет сайтлари.

33. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси)
34. www.mfer.uz (Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги)
35. www.ziyonet.uz (Электрон ўқув қўлланма ва дарсликлар)
36. www.gov.uz (Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали)